Инв. № ____
Гос. библиотека Узбекской ССР
12 ФЕВ 1983

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 24 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 35 (18.512). • Жума, 1983 йил 11 февраль • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ IX ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ!

ПАХТАЧИЛИКНИ ВА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ЧОРВАЧИЛИКНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН ИНТЕНСИВЛАШ АСОСИДА ТАРМОҚНИ ЮҚОРИ СУРЪАТЛАР БИЛАН ЮКСАЛТИРИШНИ, БАРҚАРОР ЕМ-ХАШАК БАЗАСИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЗЕРВЛАРИДАН ТУЛАРОҚ ФОЙДАЛАНИШНИ, ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ТАЪМИНЛАШ РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ, ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қароридан).

РЕЗЕРВЛАРДАН ТЎЛАРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Колхозимиз чорвадорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарорларини зўр кўтаринки руҳ билан ўқиб ўрганишяпти. Қарорда баён этилган фикрларни тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгиламоқдалар. Бунда ички резервлардан тўлароқ фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётир. Хусусан, «Чорвачилик маҳсулотлари, айниқса, гўшт ва сут етиштириш соҳасида эришилган даража меҳнаткашларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондирмаяпти. Чорвачиликда ҳали кўпгина ҳал этилмаган масалалар бор, бу тармоқни янада интенсив ривожлантириш учун резервлар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти» деган иборалар биз, сигир соғувчилари жиддий ўйлантириб қўйди.

Ҳақиқатда ҳар бир колхоз, совхоз ва ёрдамчи хўжаликда чорвачиликни интенсив тарзда тараққий эттириш йўли билан гўшт, сут ва бошқа хил маҳсулотларни кўпайтириш учун жуда катта имкониятлар бор. Лекин ўша имкониятлардан тўла фойдаланилаётгани йўқ. Шу ўринда мен ўз фаолиятимдан бир мисол келтираман.

Бундан беш-олти йил муқаддам ҳар бош сигирдан ўртача 3500—3600 килограммдан сут соғиб олар эдим. 1982 йилда 22 бош сигирнинг ҳар биридан соғиб олинган сут 5000 килограммни ташкил этди. Кўриниб турибдики, сигирларнинг зоти ўзгартирилмаган ҳолда маҳсулдорлиги анча кўтарилди. Шу жиҳатдан олганда ҳамма гап соғувчиларга боғлиқдир. Улар сигирларни зоотехника қоидалари асосида парвариш қилсалар, фермада меҳнат интизомини мустаҳкамласалар, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар масъулиятини ҳис этиб ишласалар яхши кўрсаткичларга эришиладеради.

Афсуски, айрим жойларда шундай қилинмаяпти. Сигирларнинг зоти яхшилаб борилиши, говмиш сигирлар сони кўпайтирилиши керак, албатта. Лекин шунга қадар мавжуд сигирларнинг маҳсулдорлигини камайтирмасдан, аксинча, кўпайтириш чораларини кўрмоғимиз керак. Бу нима дегани? Чорва комплекслари, фермаларда бирор бош сигирнинг қисир қолишига йўл қўймаслигимиз лозим. Амалда шундай қилинмаяпти. Хўжаликлар раҳбарлари, хусусан мутахассисларнинг бепарволиклари туфайли сигирларнинг бир қисми қисир қоляпти. Оқибатда бузоқ ва сут олиш топшириқлари бажарилмаётир. Мутасадди ўртоқлардан эса масъулият талаб қилинмаяпти. Ҳар бош сигирдан камида бир бош соғлом бузоқ олишни, белгиланган миқдорда сут соғилишини қонда қилиб қўймоғимиз лозим.

Пленум қарорларида чорвачилик соҳасида кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялашда сусткашликка йўл қўйилаётгани ҳақли равишда таъкидлаб ўтилди. Бундай фактларни кўпчилик хўжаликларда учратиш мумкин. Айтайлик, каттагина маблағ сарфланиб сут сотиш агрегатлари харид қилинади. Лекин вақтида ишга туширилмайди. Сигир соғувчиларнинг меҳнат унумдорлигини кўтаришда катта роль ўйнайдиган бу агрегатлар омборларда занг босиб ётади. Чорва молларига озуқа тақсимлайдиган техника воситалари етарли эмас. Бунинг устига айримлари тез-тез ишдан чиқиб туради. Натижада фермаларнинг ходимлари хилма-хил озуқаларни охурларга қўлда ташиб соладилар. Бу ҳам иш унумининг пасайиб кетишига олиб келади. Демоқчиманки, гўшт ва сут етиштиришни кескин кўпайтириш масаласи кун тартибига бош масала қилиб қўйилган экан, юқорида тилга олинган камчиликлар бутунлай бартараф этилиши лозим. Бу борада хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислардан қаттиқ жавобгарлик талаб этиш, муросасозликка йўл қўймаслик керак.

Сигир соғувчиларнинг ҳар бири ўз имкониятлари даражасида конкрет мажбуриятлар қабул қилганлар. Лекин унинг ижроси мунтазам текшириб борилаётир, деб бўлмайди. Айрим ҳолларда мусобақага вақтида якун ясалмайди, кимлар олдинда бораётгани, кимлар орқада қолаётгани эълон қилинмайди. Яна бир ачинарли томони шундаки, илғорлар рағбатлантирилмаётгани сингари, қолоқлар қаттиқ тартибга чақирилмайди. Меҳнат интизомини бузаётган, ишга кеч келиб, эрта кетаётган, кунлик топшириқларни бажармаётган айрим кишиларга колхоз Устави талаблари асосида чора кўрилмайди. Менимча ҳамиша мусобақанинг ошкоралигини таъминламоғимиз, таъсир кучини оширмоғимиз керак. Нисбатан қолоқларни илғорлар даражасига кўтариш сут етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидан биридир. Шунга эришмоғимиз керак.

Сигирлар сонини кўпайтириш ҳақида кўп гапириляпти, аммо кам иш қилиняпти. Комплекслар, фермаларда сигирлар сони кам экан, уни тўлдирмоғимиз, бунинг учун чорвачилик илмий-тадқиқот институтларининг синовидан ўтган, шароитга яхши кўниккан, кўп сут ва соғлом насл берадиган сигирлар, ғунажинлар, новвосларни дадиллик билан харид қилиб, подаларни тўлдирмоғимиз керак.

Пленум қарорларида «Ем-хашак етиштиришда, озуқа тайёрлаш ва қайта ишлашда илғор технология кенг қўлланилсин, ҳар бир хўжаликда силос бостириш ва сенаж тайёрлаш учун капитал иншоотлар, пичанхоналар, шунингдек ҳар бир фермада озуқа цехи барпо этилсин. Ем-хашакнинг сифати яхшилансин» дейилган. Бу ғоятда муҳим вазифадир. Ем-хашакни кўп жамғариш мумкин. Лекин у яхши асралмаса, чорва молларига едириш учун сифатли тайёрланмаса, маҳсулдорликни оширишда кутилганча натижага эришиб бўлмайди. Ем-хашак тайёрлаш ва қурилиш бригадаларининг коллективлари қарорда белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш учун астойдил курашмоқлари керак. Биз, сигир соғувчилар, молбоқарлар уларга қўлимиздан келганча ёрдам бериб боришимиз даркор.

Шу муносабат билан чорвадорларимизнинг эътиборини шу кунларда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим бир вазифага қаратмоқчиман. Қиш охирлаб қолди. Хандаклардаги силос, сенаж ўз хусусиятини йўқотгани йўқми? Унинг устки қисми моғорлаб қолмаганмикин? Ана шунга ҳам кўз ташлаб қўйишимиз керак. Яхши ният билан жамғарилган ем-хашакнинг побуд ёки исроф бўлишига мутлақо йўл қўймаслигимиз зарур. Шунда сигирларнинг оғзи кўк ўтларга теккунча кўп ва серқаймоқ сут соғиб олишга эришаверамиз.

Ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи босқичи — 1983 йилнинг январь ойи, февраль ойининг биринчи ўн кунлиги ўтди. Мен шу ойларда боқимимдаги ҳар бош сигирдан белгиланган миқдорда, ҳатто ундан кўпроқ сут соғиб олдим. Лекин ҳали эгаллашим лозим бўлган юксак марралар олдинда турибди. Бу йил ҳар бош сигирнинг маҳсулдорлигини 200 килограммга кўтариб, жами 5200 килограммдан сут соғиш мажбуриятини олганман. Бу қўлимдан келадиган иш. Юксак мажбуриятимни шараф билан бажараман. Шундай қилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бераман.

Хабибахон ИСОКОВА,
Самарқанд районидаги Максим Горький номли колхознинг сигир соғувчиси.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарорига биноан республикамизда беш йиллик охирига бориб чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича кўпаяди:

ГЎШТ (тирик вазнда)

950 минг тоннага етказилади, яъни 1982 йилда эришилганига қараганда 1,5 баравар оширилади.

СУТ

3440 минг тоннага етказилиб, 1,4 баравар оширилади.

ТУХУМ

2665 миллион донага етказилиб, 1,3 баравар кўпайтириладн.

СИГИРЛАР

колхозлар ва давлат хўжаликларида 600 минг бошга етказилади ёки эришилган даражадан 30 процент оширилади.

ЧЎЧҚАЛАР



ҚУЙ ВА ЭЧКИЛАР

ПАРРАНДАЛАР

ЕМ-ХАШАК

1,7 баравар кўпайтирилиб, 7 миллион тонна озуқа бирлигига етказилади.

ЮҚОРИДА келтирилган диаграммалардан республикамиз чорвадорлари олдида улкан вазифалар турганлиги аён бўлади. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IX пленумида белгиланган тадбирларни ва зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун чорвадорлар ўртасида ташкилотчилик, снёсий-оммавий ишларни кучайтириш зарур. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган икки йили мобайнида чорвачилик соҳасида эришилган натижалар КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган конкрет вазифалардан келиб чиқадиган қонда ва хулосалар асосида чуқур таҳлил этилиши, гўшт, сут, ем-хашак ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун мавжуд барча резерв ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш муҳимдир.

Чорвачилик комплекслари, фермалар, паррандачилик фабрикалари, хўжаликлараро корхоналарнинг ишини белгиланган тадбирларга мувофиқ такомиллаштириш, ердан, моддий-техника воситаларидан, асбоб-ускуналардан ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш — шу куннинг жанговар вазифасидир. Янги ғаллакор, чорвадор совхозларни ташкил этиш ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашни ҳамма чоралар билан жадаллаштириш даркор.

Айни пайтда чорва ва паррандаларни, айниқса ургочи моллар, товуқларни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, подаларни урчитиб кўпайтиришни яхшилаш зарур. Ургочи молларнинг қисир қолишига йўл қўймаслик мақсадида қатъий чоралар кўрилиши, наслчилик ишини тубдан яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиниши зарур. Чорва молларни боқиб семиртиришни яхшилашга ва бу ишнинг муддатларини қисқартиришга алоҳида эътибор берилмоғи, гўштга топшириладиган қорамолларнинг ҳар кунлик семиришни ва тирик вазнини анча оширишга эришиш керак. Чўчқачилик, паррандачилик, қўйчилик, тоғчилик, йилқичилик, қуёнчилик, шунингдек, балиқчиликни жадал ривожлантиришни таъминлаш ҳамиша диққат марказимизда турсин.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИДАН

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ЙЎЛИДА

● НУРОТА районидаги «Ғозғон» совхози чорвадорлари ем-хашакдан фойдаланиш самарадорлиги резервини топдилар. Бу ерда бир кунда уч маҳал охурлардан пичан, сомон, изень, янтоқ қолдиклари йиғиштириб олиниб, сўнгра тозаланади, ювилади, махсус қурилмаларда қуритилиб, яна қайта ишлаш учун юборилади. Хўжаликда қудратли озуқа цехи кечаю кундуз ишлаб турибди. Бу ерда беда пичани билан бирга донадор ем тайёрлашда ана шу қолдиқлардан ҳам фойдаланилмоқда. Натижада жонивор лар рациони анча ошди ва ўнлаб тонна ем-хашак тежалди.

* * *

● ВОРОШИЛОВ районидаги «Гулистон» совхозининг ишчилари икки мингга қўён боқишга мўлжалланган ферма қурилишига атиги тўрт юз сўм сарфладилар. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга нобоп бўлган бир гектар ерни сим тўр билан ўраб, бу ерда кенг ариқлар қазидилар ҳамда уларнинг устига қамиш капалар ўрнатдилар. Бундай ер ости фермаси қишда иссиқ, ёзда эса салқин бўлади.

Ҳозир қўлбола фермада 3600 та қўён боқилмоқда. Ферма ҳозирнинг ўзидаёқ маҳсулот бера бошлади — саздо тармоғига 7600 килограмм парҳез гўшт жўнатилди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ Н. А. ТИХОНОВНИНГ ГРЕЦИЯГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Греция ҳукуматининг таклифига биноан шу йил февраль ойининг иккинчи ярмида расмий визит билан Грецияга боради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдаги хизматлари учун ҳамда чиқарила бошлаганига 50 йил тўлиши муносабати билан:

Косонсой район «Ленинчи» газетаси;

Косон район «Шарқ юлдузи» газетаси

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1983 йил 10 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотни ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда район газеталари чиқарилган кунинг 50 йиллиги муносабати билан Косон район босмахонасининг версткачиси Хусан Деҳқоновга, Косон район «Шарқ юлдузи» газетасининг редактори Норқул Муҳамедовга, Косонсой район «Ленинчи» газетаси редакторининг ўринбосари Каримжон Охуновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

Район газеталари редакциялари ва босмахоналарининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

9 февраль куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1982 йилги Давлат планининг ҳамда СССР Давлат бюджетининг, шунингдек 1983 йил январь ойи планининг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди. Шу масалалар юзасидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков ва СССР молия министри В. Ф. Гарбузов доклад қилдилар. Мазкур масалаларни муҳокама қилишда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг Раислари, СССР министрлари ва СССР ҳукуматининг бошқа аъзолари қатнашдилар.

Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини турмушга татбиқ этиш натижасида ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига меҳнаткашларнинг социалистик мусобақаси авж олиб кетганлиги туфайли бултур ижтимоий ишлаб чиқаришни ва халқ фаровонлигини янада ўстириш таъминланди.

1981 йилга нисбатан миллий даромад 2,6 процент кўпайди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2,8 процент, шу жумладан «Б» группа тармоқларида 2,9 процент ўсди, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 4 процент ортди, халқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги 2,7 процент ошди.

1983 йил январида маҳсулот реализация қилиш плани 101 процент бажарилди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1982 йилнинг январига нисбатан 6,3 процент ва чакана товар оборoти 3,1 процент кўпайди. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги 5,5 процент ошди.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини бажариб ва ошиб бораётган ишлаб чиқариш-техникавий потенциалга таяниб, мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга киришдилар. 1982 йилда дон, кунгабоқар, қанд лавлаги, сигир толаси, картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари, сут ва тухум етиштириш кўпайди. Чорвачилик учун кўпроқ ем-хашак тамлаб олинди. Колхоз ва совхозларда қорамол ва чўчқа тўғи кўпайди.

Давлат капитал маблағи ҳисобига 1982 йилда 119 миллиард сўмликка яқин ёки 1981 йилга нисбатан 5 процент кўп асосий фондлар ишга туширилди. 200 тага яқин янги давлат саноат корхонаси ишлатила бошлади, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш ишлари давом эттирилди.

Халқнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар рўёбга чиқарилди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 2,8 процент, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 4 процент кўпайди; аҳолига ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган енгилликлар ва тўловлар 4,6 процент ошди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар кўпайди, чакана товар оборoти ва маиший хизмат ҳажми ошди. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига жами ҳажми салкам 107 миллион квадрат метр келадиган 2 миллионта янги шинам квартира қурилди, тахминан 10 миллион киши уй-жой шароитини яхшилаб олди.

СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 102,1 процент бажарилди.

Шу билан бирга баъзи министрликлар ва идоралар ўз корхоналарига раҳбарлик қилиш ишида жиддий камчиликларга йўл қўйганликлари оқибатида план топшириқларининг бажарилишини таъминламаганликлари қайд этилди. Умуман саноатда маҳсулот реализация қилиш йиллик плани ошириб бажарилган бўлса ҳам, маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятларни ҳисобга олганда қора металлургия, енгил саноат, нефть химияси ва нефтни қайта ишлаш, ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик, гўшт ва сут, химия, озиқ-овқат саноати корхоналари бу планни бажармади. Халқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш чиқимлари ҳали ҳам кўп, бир қанча корхоналар анча меҳнат, молиявий ва моддий чиқимлар эвазига планни бажарди. Маҳсулотнинг кўпгина турлари, шу жумладан халқ истеъмол қиладиган молларнинг сифати ҳали ҳам паст. Айниқса, қурилишда ва темир йўл транспортида меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари етарли эмас.

СССР Министрлар Совети СССР министрликларининг ҳамда идоралари раҳбарларининг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг зиммасига партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг 1982 йил ноябрь Пленумидаги, шунингдек С. Оржоникидзе номли Москва станоксозлик заводидаги нутқларида баён этилган қоида ва хулосаларга асосланиб ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашни янада кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш, камроқ чиқим қилиб кўпроқ пировард натижаларга эришиш мақсадида мавжуд камчиликларни тугатиш, бутун иш савиясини юксалтириш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифасини юклади.

СССР министрликлари ва идораларига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ҳар бир иш участкасида, бошқарувнинг ҳамма соҳаларида давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашни таъминлаш, иш вақтининг зое ўтишини анча қисқартириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини тежаш режимини кучайтириш, меҳнаткашларга хизмат қилувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишида дуруст тартиб ўрнатиш таклиф қилиниди. Фан ва техника ютуқларини ҳамда илғор тажрибани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини тубдан яхшилаш ва ишлаб чиқариш қувватларидан максимал фойдаланишни таъминлаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор жалб этилди.

СССРнинг тегишли министрликларига, идораларига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига кўкламги экишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш, колхозларни, совхозларни ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини юқори сифатли уруғлик билан тўла-тўкис таъминлаш, машина-механизмлар ремонтини тугаллаш, хўжаликларни механизатор кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўриш, шу тарика 1983 йилда кўкламги дала ишларини энг мақбул муддатларда ва агротехника жиҳатидан юқори савияда ўтказиш таклиф этилди.

СССР Министрлар Совети СССР министрликлари, идоралари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига бу йил халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шу молларнинг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш, шунингдек аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажмини ошириш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифасини юклади.

СССР Министрлар Советининг мажлисида КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков иштирок этди.

Мажлис охирида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов нутқ сўзлади.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СЕМИНАРИ

Журналистларнинг Бутуниттифоқ семинарида КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг қарорлари асосида меҳнаткашларни ҳуқуқий тарбиялаш масалаларини матбуот, радио ва телевиденида ёритиш тажрибалари якунланди. Семинар 10 февралда Москвада ўз ишини тугатди.

Партия, хўжалик ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг ходимлари, олимлар семинар қатнашчилари ҳузурида гапирдилар. Хўжасизликка, давлат ва меҳнат интизомини, ҳуқуқ-тартиботни бузишга қарши курашга қаратилган совет қонунларини тушунтириб беришда оммавий ахборот воситаларининг муҳим роли қайд этилди. Матбуотнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан қалин ҳамкорлиги шундай пропаганданинг самарадорлигини оширишга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

СССР Юстиция министрлиги, СССР Журналистлар союзининг правленеси, СССР Журналистлар союзининг Москва ташкилоти уюштирган семинар ҳуқуқий билимлар пропагандасини янада такомиллаштиришга, совет кишиларининг социал-ҳуқуқий активлигини шакллантиришга хизмат қилади.

(ТАСС).

КПССнинг ленинча аграр сиёсати

«КПССнинг ленинча аграр сиёсати» тўплами босмадан чиқди. Бу тўплам 1978 йилнинг августидан 1982 йилнинг августигача бўлган давр мобайнида партия аграр сиёсати соҳасидаги муҳим ҳужжатларни: партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини, Қонун актларини, СССР ҳукумати қарорларини ўз ичига олади.

Тўплам материаллари партиянинг ҳозирги босқичдаги аграр сиёсати ҳақида, унинг амалга оширилиши тўғрисида ҳар томонлама тасаввур беради, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишларини кўрсатиб беради.

Тўплами Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган.

(ТАСС).

ПУХТА, ҒОЯТ САМАРАЛИ ИШЛАЙЛИК

М. ГОРБАЧЕВ,

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари

КПСС XXVI съездидан кейин икки йил ўтди. Бу жуда катта аҳамиятга эга бўлган воқеалар ва ишларга тўла давр бўлди. Улар орасида КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми муҳим ўрин тутади. Пленум қарорлари, унда тасдиқланган Озиқ-овқат программаси партия ҳозирги замон аграр сиёсатининг янги босқичи бошланганлигидан дарак беради. Пленум қарорлари, Озиқ-овқат программаси мамлакатда кенг маъқуллаб кутиб олинди. Уларда жамиятимизни ривожлантиришнинг ҳаётбахш масалаларига жавоб берилган. Пленумнинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган ҳужжатлари айни вақтда мамлакатни узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаларини анча қисқа муддат ичида ҳал қилишда барча меҳнаткашларнинг актив иштирок этишини ҳам назарда тутади.

I.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумидан кейин ўтган вақт шу билан характерлики, колхозлар, совхозлар ва бошқа агросаноат комплекси корхоналарида (АСК)гина эмас, балки халқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳам аграр сектор проблемаларини ҳал қилишга эътибор кучайди, Озиқ-овқат программасидан келиб чиқувчи вазифалар катта масъулият сезган ҳолда ҳал қилинмоқда. Бу — принципиал аҳамиятга эга бўлган моментлар бўлиб, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш умумхалқ иши бўлиб қолганлигидан далолат беради. Шунинг учун партия ва совет органлари, министрликлар ва идоралар ўзларининг амалий ишларини доимий равишда Озиқ-овқат программаси талаблари билан мослаштириб боришлари, унинг изчиллиги билан амалга оширилишига эришмоқлари керак. Бу ҳол КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида алоҳида қайд қилинди.

Бу ишда қишлоқ хўжалигини ва АСКнинг бошқа тармоқларини бошқаришни яхшилаш, хўжалик механизмини такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди. Қишлоқда бошқарувнинг янги органлари ўз ишини бошлаб юборди, ўзини оқламаган трестлар ва бошқа бошқарув бўлинмалари тугатилди, аппарат сони анча қисқартирилди. Айни вақтда район бўғини мустаҳкамланди. Бошқарув органларидан бўшаган мутахассислар колхозлар, совхозлар, агросаноат комплекси корхоналари ва ташкилотларига амалий ишга ўтмоқдалар.

Агросаноат бирлашмаларининг тузилиши ортиқча, бир-бирига ўхшаш бўғинларни қисқартириш билан бирга қишлоқ хўжалигини ва унга туташ тармоқларни бошқаришни оддийлаштириш, идоравий тарқоқликни бартараф этиш борасида жиддий қадам қўйиш имконини беради, бошқарувнинг территориал ва тармоқ принципларини бир-бири билан янада омилкорлик билан уйғунлаштириш, агросаноат комплексини ташкил этувчи турли хил министрликлар ва идораларга қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини тағин ҳам тўлароқ ва оператив равишда мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Эндиликда колхозлар ва совхозлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, уларга у ёки бу хил хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг хўжалик фаолиятига оид кўпгина масалалар бевосита агросаноат бирлашмаларининг район кенгашларида ҳал қилинади.

Шу йилнинг бошларидан кам рентабелли ва зарар кўраётган хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун анча юқори харид нархлари ва устама ҳақ белгиланди, давлат банкидан олинган қарзларнинг тўлов муддати узайтирилди. Бу билан колхозлар ва совхозларнинг самарали ишлаши учун, уларнинг рентабеллилик даражасини ошириш учун қулай иқтисодий шароит яратилмоқда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга рағбатлантириш кучайтирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, агросаноат комплекси барча тармоқларининг иқтисодий потенциалини кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу йил қишлоққа кўп миқдорда техника, ўғит ва бошқа моддий ресурслар юборилади. АСКнинг барча тармоқларини ривожлантиришга 1983 йил халқ хўжалиги планида қарийб 47 миллиард сўм капитал маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бу ўтган йилдагидан 4,3 процент кўпдир.

Шуни қайд қилиш муҳимки, қишлоқни ошириш борасидаги ишларнинг миқёси ҳам анча кенгаймоқда. Ҳамма жойда уй-жой, коммунал ва маданий-маиший қурилиш ҳажми кўпаймоқда. Қишлоқда кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши тобора кенг ривожланмоқда. Бир қанча областларда шаҳарлар ёрдамида қишлоқ жойларда обод посёлкалар барпо этилмоқда. Буларнинг ҳаммасига шу беш йилликда қишлоқни социал қайта қуриш объектларига ўнинчи беш йилликдагига нисбатан бир ярим баравар кўп капитал маблағ ажратилганлиги туфайли эришилмоқда.

Меҳнатни рағбатлантириш мақсадида шу йилнинг бошларидан Сибирь, Узоқ Шарқ, Россия Федерациясининг Ноқоратўроқ зонаси ва баъзи бошқа районларда ишловчи чорвадорларнинг узлуксиз иш стажи учун уларнинг иш ҳақига қўшимча ҳақ жорий этилмоқда. Совхозлар ва колхозларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг иш ҳақи даражасини ошириш чоралари амалга оширила бошлайди.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини бажариш соҳасидаги ишлар, образли қилиб айтганда, бутун фронт бўйлаб авж олиб кетди. Мамлакат экономикаси аграр секторининг ишлаб чиқариш-техника потенциалини янада ўстириш, ташкилий, иқтисодий ва социал чора-тадбирлар бутун комплексининг амалга оширилиши Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш учун зарур шароит яратмоқда. Бугунги кунда янги бошқарув органларининг ходимлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари мавжуд имкониятлардан энг яхши фойдаланишлари, айниқса муҳимдир.

«Агросаноат комплексининг ходимлари, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Ю. В. Андропов, — куч-ғайратларини кун сайин ошириб, шу вазифани ҳал этишга сарфланаётган жуда катта маблағлар бутуноқ самара берадиган ва эртага эса яна ҳам кўпроқ самара берадиган даражада меҳнат қилишлари керак».

II.

Қишлоқ хўжалигида янги бошқарув органлари иш бошлаган ҳозирги пайтда улар дастлабки қадамларданоқ ўз фаолиятларида тўғри йўл тутишлари, ўз эътиборлари ва амалий ишларини аввало Озиқ-овқат программасини бажариш муваффақиятини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларга қаратишлари жуда муҳимдир.

Бу ўринда биринчи навбатда дон, озуқа, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор ҳосил олиш вазифасини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Қурғоқчилик бўлган сўнгги йилларнинг сабоқлари бизда шунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдики, мураккаб табиий-иқлим шароитида ҳам ҳар йили яхши ҳосил олиш мумкин. Буни айрим далаларгагина эмас, балки кўпгина миллион-миллион гектар ерларда ҳам дон, қанд лавлаги, кунгабоқар, пахта, картошка, сабзавот, озуқа экинларидан юқори ҳосил олинган ўтган йил якунлари ҳам тасдиқлайди.

Ҳосилга техника, ўғит, бошқа ресурслар билан таъминланганлик даражаси ҳам таъсир кўрсатади, албатта. Шундай бўлса-да, юқори ва паст ҳосил олиш сабабларини диққат билан таҳлил қилиб чиқиш шуни кўрсатмоқдаки, бунда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ердан қанчалик рационал фойдаланилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу вазифа моҳирона ҳал қилинадиган жойда техника ва ўғитдан фойдаланиш туфайли анча катта натижаларга эришилади ва аксинча, деҳқончилик маданияти паст бўлган, самарали алмашлаб экиш жорий этилмаган, экинларнинг структураси, уруғчилик системаси ишланмаган жойларда техниканинг кўплиги ҳам, минерал ўғитларни кўп миқдорда ишлатиш ҳам фойда бермайди.

Сўнгги йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, деҳқончиликнинг илмий системасини жорий этиш асосидагина ердан энг самарали фойдаланиш мумкин. Бу борада Қозоғистонда, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Молдавия ва бошқа республикаларнинг бир қатор ўлка ва областларида ижобий тажриба тўпланди.

Қишлоқдаги янги бошқарув органларининг вазифаси колхозлар ва совхозларнинг мутахассислари билан биргаликда ер ва илғор тажрибанинг деҳқончиликнинг тупроқни муҳофаза қилиш системасини кенг қўлланишга актив киришишдан иборатдир. Бу системалар кўп ҳолларда колхоз-совхоз ишлаб чиқаришда ҳали жорий этилмаган, область ва район ташкилотларида қолиб кетмоқда. Бугунги кунда ҳам кўпгина хўжаликларда алмашлаб экиш жорий этилмаганлиги, катта-катта майдонлардаги ерлар системасиз фойдаланилаётганлиги факти худди шундан далолат беради.

Тафсилотга берилмасдан шуни қайд қилиш керакки, ердан рационал фойдаланиш ишлари ҳамма жойда яхшиланиши зарур. Область ва район агросаноат бирлашмалари ва илмий муассасалар конкрет табиий-иқлим шароитида энг юқори ва барқарор ҳосил олишни таъминлайдиган деҳқончилик системасини, алмашлаб экишни, экинлар структурасини, тупроқни ишлаш усулларини, қишлоқ хўжалигининг экинларининг навлари ва гибридларини тезроқ жорий этишда колхозлар ва совхозларга ёрдам берсалар жуда фойдали бўлур эди.

Эндиликда деҳқончилигимизнинг барқарор бўлиши кўп жиҳатдан умумий фонди 35 миллиондан кўпроқ гектари ташкил этган мелиорация қилинган ерлардан қандай фойдаланилишига боғлиқ. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина хўжаликлар шу майдонлардан лалмикор ерлардагига қараганда 3—4 баравар кўп маҳсулот олмоқдалар. Шундай бўлса-да, мелиорациялаштиришга сарфланаётган капитал маблағлар ҳозирча зиён даражада самара бермаётир. Гарантияли ҳосил олиш таъминланиши лозим бўлган ерларда бугунги кунда нима учун лойиҳадагига нисбатан тахминан учдан бир қисм ҳосил кам олинмоқда? Гап шундаки, кўпгина ходимлар янги сув хўжалиги қурилишига берилиб кетиб, мавжуд мелиорация қилинган ерлардан самарали фойдаланишни назардан қочирмоқдалар. Бундай ерлардаги кўпгина майдонларни кам маҳсулотли экинлар эгаллаган, масалан, маккажўхори ва беда сингари самарали экинлар сустлик билан жорий этилмоқда. Суғориладиган ва эҳтиёжи ерларнинг мелиоратив ҳолати, уларнинг сув билан таъминланиши ҳақида етарли даражада ғамхўрлик қилинмаётир. Кўп ҳолларда колхозлар ва совхозлар мелиорациялаштирилган далаларда ишлашга тайёр эмаслиги кўринмоқда, чунки, агротехника йўлга қўйилган эмас, кадрлар ўргатилмаган. Мелиорация қилинган ерлар — маҳсулот етиштиришни тез кўпайтиришнинг реал резервидир. Уларнинг маҳсулдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни биринчи навбатда, ишчанлик билан ҳал қилиш керак.

Қишлоқ хўжалигида йил сайин минерал ва органик ўғитлардан кенг миқёсларда қўлланилмоқда. Ҳамма жойда химиялаш хизмати йўлга қўйилган, колхозлар ва совхозларда эса турли экинларни парвариш қилишда ўғитлардан фойдаланиш тажрибаси тўпланган ҳозирги вақтда химия воситаларидан ҳам, органик ўғитлардан ҳам янада оқилона, самарали фойдаланиш учун ҳамма зарур шароитлар бор. Ҳар бир хўжаликда ҳосилга мумкин қадар кўп ҳосил қўшиш мақсадида ўғитлардан максимал даражада фойдаланиш учун деҳқончиликни химиялаштириш борасидаги ҳамма ишларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Ерлардан фойдаланишни яхшилаш ва ҳосилдорликни ошириш бўйича ишлар тегишли капитал маблағлар ажратиш, биринчи навбатда деҳқончиликнинг техника билан қуролланганлик даражасини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг индустриал технологиясини кенг жорий этиш, уруғчилик ва химиялаштириш базасини мустаҳкамлаш, органик ўғитлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш сингари муҳим ва зарур йўналишлар ҳамда объектларга капитал маблағ ажратиш талаб қилиниши ўз-ўзидан тушунарли. Бунинг учун эндиликда катта имкониятлар бор. Ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир далада ерга ишнинг кўзини билиб ишлов бериш, юқори ва барқарор ҳосил олиш учун барча воситалардан ижодий, амалий фойдаланиш керак. Ҳозирги вақтда янги бошқарув органларидан, қишлоқ меҳнаткашларидан аввало шу нарса талаб қилинади.

Бу ишларнинг ҳаммасида дон ва озуқа экинлари ялпи ҳосилини кўпайтириш асосий вазифа бўлиб қолди ва шундай бўлиб қолади. Бу экинларни етиштириш даражаси кўп жиҳатдан колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини белгилайди. Ҳозир бизга озуқабоп дон етишмаяпти. Баъзи крупабоп ва дуккакли экиларга эҳтиёж тўла қондирилмаяпти. 1983 йилда озиқ-овқат ва озуқабоп доннинг ҳамма турларини етиштиришни кўпайтириш, жамоат чорвачилигини ва аҳоли ихтиёридаги чорвани дағал ва ширали озуқа билан тўла таъминлаш йўлида катта қадам қўйиш керак. Дон етиштириш ва давлатга сотиш планини, шунингдек, озуқа жамғариш планларини бажариш колхозлар, совхозлар, янги бошқарув органлари раҳбарлари ва мутахассисларининг фаолиятига баҳо беришнинг асосий мезони бўлиб қолмоғи лозим.

III.

Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш соҳасидаги жуда катта вазифалар, мураккаблашиб бораётган иқтисодий алоқалар планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш хўжалик юритишнинг янги шароитларидан моҳирона фойдаланиш ишида аграр саноат компекси кадрлари олдига юксак талаблар қўймоқда.

Қишлоқдаги иқтисодий вазиятни соғломлаштириш мақсадида, ижтимоий ишлаб чиқаришни самарали юритиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида давлат катта маблағ ажратди. Ҳозир ҳамма колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча тармоқлари рентабел ишлаши учун шарт-шароит мавжуд. Вужудга келтирилган имкониятларнинг амалда рўёбга чиқарилиши кадрларимизнинг иқтисодий раҳбарлик методларини нақадар чуқур эгаллаб олишларига, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг катта резервларидан, меҳнат, материал ва молия ресурсларидан нақадар тўлиқ фойдаланилишига боғлиқ бўлади.

Кредитлаш тартиби янада қатъий бўлиб қолаётган, молиявий интизом оширилаётган янги шароитларда колхоз ва совхозлар ўз маблағларини харажат қилишда маҳсулот реализация қилишдан олинган даромадларга асосланиб иш тутишларига, ўз маблағлари ҳисобидан кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни амалга оширишларига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, хўжаликларнинг экономикасини хўжалик принципи, иқтисодий тежаш ва тежамкорлиқ режимига қатъий риоя этиш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш принциплари асосига қуриш лозим.

Ҳозир ҳар бир раҳбар ходим ва мутахассис, барча кадрларимиз хўжалик юритиш савиясини оширишлари, ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари ва экономикасини яхши билишлари керак. Ҳар қандай тадбирлар, ҳар қандай бошқарувчилик қарорлари иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлишини қонда қилиб олиш лозим. Ҳар бир колхоз ва совхозда бу ишни малакали юритиш учун иқтисодий ишни пухта йўлга қўйиш талаб этилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар комплексида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формаларига ўтиш муҳим аҳамиятга эгадир. Башарти бу ишларда ўзгартиш қилиниши ишга эришилмаса, моддий ва молиявий ресурсларнинг бир ўзи кўнгилдагидек натижаларни бермаслиги мумкин. Меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантириш воситаларидан фойдаланишнинг формаларидан бўлмиш аккорд — мукофот усулида ҳақ тўланадиган коллектив (бригада, звено) пудрати, ишлаб чиқаришнинг цех структураси, натура ҳолида ҳақ тўлашнинг кенгайтирилиши юксак самарадор экаммин илғорлар тажрибаси тўла-тўкис тасдиқлаб турибди.

Бу масалани турмушнинг ўзи кун тартибига қўймоқда. Чунончи, пудрат усулида ишловчи коллективларда меҳнат ва ишлаб чиқариш маданияти юқори, конкрет меҳнатчининг шахсий манфаатлари корхонанинг манфаатлари билан яхшироқ қўшиб олиб борилади, меҳнат билан унга тўланадиган ҳақ ўртасидаги боғлиқлик кучаяди, ер, техника, бошқа ишлаб чиқариш фондларидан яхшироқ фойдаланилади. Бу жойларда камроқ меҳнат ва маблағ сарфлаб, муайян майдондан 20—30 процент кўпроқ ҳосил олиниши қонда бўлиб қолди. Бунда иш ҳақи ҳам юқори бўлиши табиий.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида нарядсиз ишловчи бригада ва звеноларнинг миқдори кўпайди. Масалан, ҳозир Белгород областида 548 та бригада ва звено коллектив пудрат асосида ишламоқда. Ҳамма экинзорларнинг 36 проценти уларга бириктириб қўйилган. Бироқ, бу илғор форма ҳали суст оммалаштирилмоқда. Бунинг сабаблари кўп. Ортиқрилган тажрибани умумлаштириш шуни кўрсатди: раҳбар ходимлар ва мутахассислар бригада пудратини жорий этиш ишига актив кўшилсалар, пудрат усулида ишлаётганларга нормал шароитларни яратиб берсалар (уларга ер бириктириб қўйсалар, зарур техникани ажратсалар, кўпроқ мустақиллик берсалар, шартнома шартларига қатъий риоя этсалар), пудратдаги коллективларнинг иши юришиб кетади, улар самарали меҳнат қиладилар, юксак натижаларга эришадилар. Бинобарин, гап хўжаликлар, аграр саноат бирлашмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг, қишлоқ партия ташкилотларининг жонли ташкилотчилик иши билан шуғулланишларига кўп нарса боғлиқ.

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорлари колхоз ва совхозларнигина эмас, шу билан бирга уларнинг маҳсулот тайёрлаш ва қайта ишлаш, моддий таъминот, техникавий ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи шерикларини ҳам янги шароитларга солиб қўйди. Энди колхоз ва совхозлар билан уларнинг аграр саноат комплексидаги шериклари ўртасидаги муносабатлари асосан хўжалик шартномалари асосига қурилади. Қудратли ишлаб чиқариш базасига эга бўлган ихтисослаштирилган ташкилотлар ўз корхоналарининг ишини жиддий равишда яхшилашлари хўжаликларнинг улар хизматидан фойдаланиш манфаатли бўлиши учун шу хизматлар қийматини камайтиришга эришишлари лозим.

Янги бошқарув органлари ишга тушган ҳозирги пайтда ҳар бир районда, ҳар бир областда ягона план доирасида бутун аграр саноат комплексини аниқ мақсадни кўзлаб ва бир-бири билан боғлаб ривожлантириш учун реал имкониятлар мавжуд. Моддий ва молиявий ресурсларни асосий соҳаларга жамлаш, кооперация ва интеграция негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш масалаларига комплекс ёндашишни таъминлаш учун қулай шароитлар вужудга келди.

Аграр саноат бирлашмалари ҳозир ёндош ташкилотларнинг ишлаб чиқариш программаси (ремонт, қурилиш, сув хўжалиги ишлари ҳажми, транспорт ва агрохимия хизмати, бошқа турдаги хизматлар) колхоз ва совхозларнинг эҳтиёжларини ҳамда манфаатларини эътиборга олиб белгиланиши устидан қатъият билан кузатиб боришлари мумкин. Зарурат туғилган тақдирда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи цехлар ҳамда корхоналарни қуриш, уйжой, йўллар, соғлиқни сақлаш, маданият объектлари ва бошқаларни қуриш учун моддий ва молиявий ресурсларни дадил марказлаштириш керак.

Жойлардан хабар қилишларича, кўпгина район аграр саноат бирлашмаларининг кенгашлари янгича ишлашга бажонидил киришдилар, ишлаб чиқаришнинг энг зарур масалаларини оператив равишда конкрет ҳал этмоқдалар, аграр саноат комплексига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турибдилар, жойларда колхоз ва совхозларга актив ёрдам бермоқдалар. Улар орасида Бошқирдистон АССРдаги Илишев район аграр саноат бирлашмасини, Краснодар ўлкасидаги Каневский, Ставрополь ўлкасидаги Петровский, Чувашия АССРдаги Батирев, Воронеж областидаги Кантемир, Полтава областидаги Карлов, Минск областидаги Несвижский ва бошқа аграр саноат бирлашмаларини кўрсатиш мумкин. Аммо бошқача аҳвол ҳам кўринмоқда. Баъзи бир аграр саноат бирлашмаларининг кенгашлари ишга ҳали чинакамига киришганлари йўқ, ташкилий даврни чўзиб юбордилар.

Марказий ва маҳаллий хўжалик органларининг айрим ходимлари ҳамон маҳкамачилик позициясига амал қилмоқдалар, эски тартибларни сақлаб қолиш учун турли баҳоналарни қидириб топмоқдалар, чунки эски тартиб шароитда улар ҳосилнинг тақдири учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги пировард натижалари учун ниҳоятда жавобгар бўлмас эдилар.

Ҳозирги шароитда колхоз ва совхозларга техникавий хизматни ташкил этиш учун бутун масъулият тўла-тўкис Сельхозтехника корхоналари зиммасига юклатилган. Энди улар колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан маҳкам боғланган бўлишлари керак. Шунга қарамай бу системанинг жойлардаги кўпгина бўлинмалари ўз ишини қайта қуришда сусткашлик қилмоқда, ўз хўжалик фаолиятида колхоз ва совхозларнинг эҳтиёжларига эмас, балки ҳар бир иш ўзларига манфаатлигига ёки манфаатли эмаслигига асосланиб иш тутиб келмоқдалар, ремонт ва бошқа ишларни арзонлаштириш, уларнинг сифатини ошириш имкониятларини изламаяптилар. Ҳозирги пайтда тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналари ҳамда ташкилотлари қабул пунктларини кенгайтириш, маҳсулотни етиштирилган жойнинг ўзида қабул қилишга ўтиш, юк ташиш масофасини ва транспорт ҳаражатларини камайтириш, тайёрлашни ташкил этишнинг бошқа илғор формаларини жорий этиш, шу тарзда колхоз ва совхозларнинг кучи ҳамда диққат-эътиборини бевосита ишлаб чиқариш вазифаларидан чалғитмаслик соҳасида кўпроқ иш қилишлари керак.

Қурувчилар, мелиораторлар, аграр саноат комплекси соҳасига кирувчи бошқа ҳамма корхона ва ташкилотларнинг меҳнатчилари фаолиятида ҳамжиҳатлик ва ишдаги ўзаро боғланиш кўпроқ бўлиши, ҳар бир идора ва унинг ходимлари давлат манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйишлари ҳам ҳозир айниқса муҳимдир.

СССР Госплани, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Молия министрлиги, СССР Давлат стандартлар комитети аграр саноат комплекси корхоналари ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий ўзаро муносабатларни белгиловчи қонда-лар, инструкциялар, норматив актларни ишлаб чиқиш чоғида мана шу мулоҳазаларни эътиборга олишлари керак. Мазкур ҳужжатларни тайёрлашни тезлаштириш ҳам лозим.

IV.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини, Озиқ-овқат программасини бажариш партия комитетларидан қишлоқдаги ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишни янада юқори поғонага кўтаришни, унинг таъсирчанлиги ва натижадорлигини оширишни талаб қилади.

Партия органларининг вазифаси — иқтисодий методларга ва коллектив демократик негизларга асосланган янги бошқарув услубини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришда аграр саноат бирлашмаларига ёрдам беришдан иборат. Турли-туман кенгашларни, қоғозбозликни имкони борича камайтириш, хўжалик раҳбарларини ва мутахассисларни бевосита ишдан камроқ чалғитиш керак. Маждислар камроқ бўлсин, колхоз ва совхозларда етилган проблемаларни ҳал этиш, асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш соҳасидаги жонли, ижодий иш кўпроқ бўлсин. Ҳозирги шароитда область ва район партия комитетлари озиқ-овқат проблемасини ҳал этишнинг, қишлоқда тўла ҳуқуқли бошқарув органлари — аграр саноат бирлашмалари фаолият кўрсатишининг янги вазифалари ва имкониятларини ҳисобга олиб ҳаракат қилишлари, улар бажарадиган ишлар билан бошқаларнинг шуғулланишига йўл қўймасликлари, уларга ёрдам ва мадад беришлари муҳимдир.

Партия комитетлари учун ташкилотчилик ва идеология фаолиятини ва аввало кадрлар билан ишлашни кучайтириш ва такомиллаштириш зарурлиги биринчи ўринга чиқиб қолмоқда. Бунда гап ўзининг билим ва қобилият савияси жиҳатидан қишлоқ хўжалигини замонавий илм-фан ютуқлари асосида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ўстиришнинг интенсив омилларидан моҳирона фойдаланиш асосида бошқара оладиган раҳбар кадрларни ва оммавий касб ходимларини тайёрлаш ҳамда тарбиялаб вояга етказиш тўғрисида бормоқда. Ишга ижодий ёндашишни, мустақиллик ваташаббускорликни ривожлантириш керак, маъмуриятчиликка йўл қўймай, топширилган иш учун, партия, давлат ва меҳнат интизомига қаттиқ риоя этилиши учун масъулият ва талабчанликни ошириш лозим.

Меҳнат коллективларидаги тарбиявий ишни кучайтириш ҳақида партия ташкилотлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари керак. Қишлоқ меҳнат коллективи маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг бутун комплекси марказида турибди.

Иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан сифатли, унумли меҳнат қилишни, таҳшаббускорлик ва омилкорликни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар вужудга келтирилиши зарур. Бунинг маъноси шуки, яхшироқ ишлаб чиқариш ва социал шароитларни вужудга келтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, замонавий ва моддий рағбатлантириш формаларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, курсларда ва ҳунар-техника билим юртларида ёш кадрлар тайёрлашни кенгайтириш керак. Бу соҳада Днепропетровск, Ленинград, Омск, Кострома областларида орттирилган иш тажрибаси диққатга сазовордир.

Шу билан бирга ҳар бир меҳнат коллективида ҳужасизлик ва исрофгарчилик фактларига нисбатан муросасизлик вазияти вужудга келтирилиши лозим. Баъзи колхоз ва совхозларда машина-механизмларни ишлатишда, ўғит солишда, ёнилги сарфлашда бепарволик ва интизомсизлик ҳоллари содир бўлмоқда, меҳнат вазифаларига ва жамоат мулкига виждонан муносабатда бўлмаслик фактлари учраб турибди.

1983 йилда қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари дон, гўшт, сут, қанд лавлаги, пахта, картошка, сабзавот ва мева етиштириш ҳамда харид қилиш борасида анча катта вазифаларни бажаришлари керак. Аммо бу вазифаларни рўёбга чиқариш учун имкониятлар ҳам ҳозир анча кўп. Янгича ишлаш шароитида қўйилган дастлабки қадамларни таҳлил этиш, зарурат туғилган тақдирда ҳар бир колхоз, совхоз, район, область, ўлка, республика дала ва фермаларнинг ҳамма турдаги маҳсулотларини давлатга сотиш, марказлаштирилган фондга етказиб бериш юзасидан белгиланган квартал, ярим йиллик ва йиллик планларни бажариши учун бир қанча қўшимча чораларни кўриш зарур.

Планларнинг ва қабул этилган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши кўкламги экишни ўтказиш муддатлари ва сифати билан, чорва маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги актив иш билан ҳал қилувчи даражада белгиланади. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси бу ишга жуда катта аҳамият бермоқда, Озиқ-овқат программасининг бажарилиши масалаларини доимо назорат қилиб турибди.

* * *

Қишлоқ меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми, СССР Олий Совети еттинчи сессияси қарорларини жанговар ҳаракат программаси деб қабул этдилар.

Ҳамма жойда совет кишилари фаровонлигини оширишнинг асосий шартларидан бири бўлган озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришга белгиланган марраларга эришиш учун бошланган социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди. Масалан, январда мамлакатда сут харид қилиш ўтган йилнинг биринчи ойига нисбатан 440 минг тонна ёки 15 процент кўпайди. Чорва ва парранда харид қилиш 4 процент, тухум харид қилиш 6 процент ортди. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари, аграр саноат комплекси корхона ва ташкилотларининг барча меҳнат коллективлари, қишлоқдаги янги бошқарув органлари партия ташкилотлари раҳбарлигида партиямиз ўртага қўйган вазифаларни амалга оширишга имкони борича кўпроқ ҳисса қўшиш учун куч-ғайрат сарфламоқдалар.

(«ПРАВДА» газетасининг 10 февраль сонидан).

МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ

8—9 февраль кунлари Москвада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарлари ҳамда шу мамлакатлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакилларининг амалий маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда:

Болгария Халқ Республикасидан — БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Огнян Дойнов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, БХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, БХРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Андрей Луканов; БКП Марказий Комитетининг секретари Димитр Станишев, БКП Марказий Комитетининг секретари, БХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Кирил Зарев;

Венгрия Халқ Республикасидан — ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ференц Хаваши; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ВСРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Чан Куинь;

Германия Демократик Республикасидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Гюнтер Миттаг; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Пауль Фернер; ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ГДРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Герхард Вайс;

Куба Республикасидан — Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Лионель Сото; Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Антонио Эскивель;

Монголия Халқ Республикасидан — МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Дэмчигийн Моломжамц; МХРП Марказий Комитетининг аъзоси, МХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, МХРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Мятавин Пэлжэ;

Польша Халқ Республикасидан — ПБИП Марказий Комитетининг секретари Манфред Горивода; ПХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ПХРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Збигнев Мадей;

Руминия Социалистик Республикасидан — РКП Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Илие Вердец; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Миу Добреску; РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РСР ҳукумати Бош министрининг ўринбосари, РСРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Иоан Тоту;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари В. И. Долгих; КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков; КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Н. В. Тализин;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Милош Якеш; ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Йозеф Гаман; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ҳукумати Раисининг ўринбосари, ЧССРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий

БИР ХАТ ИЗИДАН

БЕПАРВОЛИК

ЁХУД ЧОРВАЧИЛИК ВА БОШҚА СОҲАЛАРДА ОҚСАЁТГАН БИР ХЎЖАЛИК ХУСУСИДА

«Совхозимизда тўртта қишлоқ бўлиб, улардаги ҳар бир хонадонда кўплаб чорва моллари бор. Молларга ветеренария хизмати кўрсатишдек муҳим иш совхозимиз мутахассисларининг хаёлидан кўтарилган. Район ветеренария станцияси ходимлари ҳам бу борада ёрдам беришмаяпти.

Хонадонларимиздаги чорва моллари 1979 йилда касалликларга қарши эмланган эди. Ушандан кейин сира эмланмади. Оқибатда кўплаб қорамол касалликка чалиниб, нобуд бўлди. Ҳурматли редакция! Шахсий сектордаги чорва моллари соғлом яшашини муҳофаза қилиш билан кимлар шуғулланиши керак!! Сизлардан ёрдам кутамиз.

Бухоро область, Шофиркон районидаги Ильич номли совхознинг бир группа ишчилари номидан:

Саъдулло ОСТОНОВ».

Партия ва ҳукуматимиз гражданларнинг ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериб келаётир. Бу борада КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети махсус қарор ҳам қабул қилган. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган IX пленуми қарорида эса: «Аҳоли хонадонида, аввало колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари хонадонида чорвачиликни ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилсин, бу ишда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилсин», — дейилади. Бундай катта гамхўрликдан руҳланган колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари шахсий ёрдамчи хўжаликларида кўплаб чорва моллари, парранда боқиб, ўз эҳтиёжларидан ортган маҳсулотларни давлатга сотмоқдалар. Шундай қилиб, улар мамлакатимизда мўлкўлчиликни таъминлашга ҳисса қўшаётирлар.

Редакцияга келган хат муносабати билан биз яқинда Шофиркон районидаги Ильич номли совхозда бўлиб, бу ердаги шахсий ёрдамчи хўжаликлар аҳволи билан танишдик. Совхоздаги 657 хонадонда мингдан зиёд қорамол, икки минг бошга яқин қўй ва эчки, бир неча юз парранда боқилаётган экан. Шахсий сектор бўйича давлатга ва совхозга 1981 йилда 15 тонна, 1982 йилда эса 35 тонна гўшт топширилибди. Шу кунларда хонадонлар ўзларидан ортиқча гўшт ва сутни давлатга сотмоқдалар. Масалан, яқинда Теша Хўжаев, Номоз Зокиров, Тўра Шарипов, Зокир Очилов, Мустафо Исмоилов, Ҳайри Тўраев, Очил Рашидов, Рашид Саломов ва бошқалар битта-иккитадан сўқимга боқилган қорамолларини гўштга топширдилар.

— Шахсий сектор бўйича ўтган икки йилда тайёрланган 50 тонна гўштнинг 25 тоннасини сотиб олиб, совхоз ҳисобидан давлатга топширдик,— дейди Ильич номли совхоз бош зоотехниги Сайфиддин Норов. — Бу планимизнинг бажарилишида катта ёрдам бўлди.

— Ўз навбатида сизлар шахсий секторда чорвачиликни ривожлантириш бўйича қандай ёрдам кўрсатяпсизлар? — сўраймиз Сайфиддин Норовдан.

— Улар ўзларининг томорқаларидан олинган ем-хашак билан молларини боқишяпти. Совхоздан ҳеч ким ёрдам сўрагани йўқ.

— Хонадонлардаги чорва молларига ветеренария хизмати кўрсатяпсизларми?

— Ҳа. Бу ишни ветфельдшер Ғаффор Камоловга топширганмиз.

Ғ. Камоловни топиб, у билан суҳбатлашдик.

— Одамлар ёрдам сўраб келишса ёрдамимизни аямаймиз, — деди у.

— Қайси хонадонларга ёрдам бердингиз? Қилинган ишлар ёзиб бориладиган дафтарингиз борми?

— Кимга ёрдам кўрсатганимни аниқ айтолмайман. Дафтарим уйда қолибди, — деди шошилиб Ғ. Камолов.

— Олиб келишинг иложи йўқми?

— Иложи бор-у, кўриб нима қиласизлар, яхшиси, ёзиб бериб қўя қолай.

Ноқулай вазиятда қолган Ғ. Камолов бир варақ қоғозга шу сўзларни ёзиб берди: «1982 йилнинг сентябридан шу йил бошлангунига қадар 95 бош қорамол касалланди, шундан 5 таси нобуд бўлди».

Биз Шофиркон район ветеринария станцияси бош врачи Ўринбосари Зиёдулла Саломов, совхоз бош зоотехниги Сайфиддин Норовлар билан биргаликда ишчи хонадонларида бўлдик. Кишилар билан суҳбатлашганимизда улар:

— Чорва молларимизга кўпдан бери ветеринария хизмати кўрсатилган эмас, — дейишди.

Биз редакцияга шикоят хати ёзган Саъдулло Остонов билан ҳам учрашдик. У совхознинг 3-бўлимида механик бўлиб ишлар экан.

— Эндигина икки марта болалаган сигирим билан етти ойлик бузоғим қорасон касаллигига чалиниб нобуд бўлди, — деди алчиниб у. — На совхоздан, на райондан бирор мутахассис келиб, чорва молларимиз саломатлиги билан қизиқмайди. Хатда ёзганларимнинг ҳаммаси рост. Куни-кеча Янгиқишлоқ деган жойимизда ҳам анчагина қорамол нобуд бўлди.

Хуллас, масала жиддий эди. Биз ёнгинамизда турган Шофиркон район ветеринария станцияси бош врачи Ўринбосари З. Саломовдан сўраймиз:

— Хўш, бунга сиз қандай қарайсиз?

— Совхозда тўртта ветеринария мутахассиси бор. Шахсий хўжаликларга ҳам шулар хизмат кўрсатиши керак.

— Тўрт йилдан буён хизмат кўрсатишмабди-ку!!

— Бунинг учун биз жавобгар эмас, совхоздаги мутахассислар бизга бўйсунишмайди.

Маълум бўлдики, шахсий хўжаликлардаги чорва моллари ниг соғлом яшаши район ветеринария станциясининг ходимларини қизиқтирмас экан-да? Хўш, мабодо шундай бўлса, уларнинг вазифалари нимадан иборат?

Ильич номли совхозда бўлганимизда бир гуруҳ ишчилар: «Бу ерда фақат шахсий сектордаги жониворларгагина эмас, давлат чорвасига ҳам яхши қараш майди Хўжалигимизда пахтачилик ва бошқа тармоқлар ҳам оқсаб қолган», — дейишди ачиниб. Наҳотки, шундай бўлса?!

Бош зоотехник С. Норов билан биргаликда совхоз сут-товар фермасини кўздан кечирдик. Фермада 645 бош қорамол боқилаётган бўлиб, шундан 255 таси соғин сигирлар экан.

— Кўриб турибсизлар, молхоналаримиз талабга тўла жавоб бермайди, — деди ферма мудири Саноқул Ҳайитов. — Қурилаётган қўшимча биноминг тезроқ битказилганида эди, 120 бош молни унга жойлардик.

— Қурилиш материаллари етишмай турибди, — изоҳ берган бўлди С. Норов.

Ферма чорвадорлари бу йил ҳар бош сигирдан 3100 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қилишган. Тўлиқ рацион асосида боқилмаётганлиги ҳамда шароитнинг яхши эмаслиги сабабли сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори анча камайиб кетибди. Ҳозир кунига ҳар бир сигирдан тўрт килограмм атрофида сут соғиб олинаётган экан.

Ферма яқинидаги сайхонликда уюм-уюм беда кўзга ташланади. Бориб кўрдик. Озуқа яхши ғарамланмаганлигидан ёғин-сочинда нобуд бўла бошлабди. Совхоз бўйича 1982 йилда пландаги 2547,5 тонна ўрнига бор-йўғи 1493 тонна беда пичани тайёрланибди. Кўриниб турибдики, хўжаликда бундай озуқа етарли эмас. Шундай экан, унинг бирор килограммини ҳам нобуд қилиб бўлмайди.

Ферма мудирининг берган маълумотига қараганда, бу ерда 1981 йилда 8 бош, 1982 йилда эса 9 бош қорамол нобуд бўлган. Шу йил бошидан буён битта соғин сигир ва бир бузоқ ўлибди.

Сигирлардан бузоқ олиш ва сут соғиб топшириш бўйича белгиланган планлар ҳам бажарилмаётганлиги маълум бўлди. Ўтган йили планда кўзда тутилганидан 13 тонна кам, яъни 607 тонна сут тайёрланган.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, 1982 йилда совхозда план бўйича майда моллар сони 602 бошга етиши керак эди, 420 бош бўлди, холос. Бунинг оқибатида жун тайёрлаш плани 87 процентда қолиб кетди.

Фермадаги ишлар билан танишганимизда биз бу ерда чорвачиликни механизациялашга етарли эътибор берилмаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Маълумки, комплекс механизациялашган фермаларда бир ходим бошқа жойлардагига нисбатан бир неча баравар кўп маҳсулот олади. Ильич номли совхоз раҳбарлари, мутахассислари буни тушуниб етишлари керак. Чорвачилигимиздаги ҳозирги асосий вазифа қамроқ чиқим қилиб, сут ва гўшт етиштиришни кўпайтиришдан иборат. Фермани механизациялашга жиддий эътибор бермай туриб бунга эришиш қийин.

Ўрни келганда совхоздаги бошқа тармоқлар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. План бўйича ўтган йили 6000 тонна пахта етиштирилиши керак эди, 5171,3 тонна хом ашё йиғиб-териб олинди, холос. Шундай қилиб, бу борадаги план 86 процентда қолиб кетди. Хўжаликда ғалла, сабзавот тайёрлаш планлари ҳам бажарилмади. 34 гектар майдонга экилган сабзавотдан белгиланган 490 тонна ўрнига 390 тонна ҳосил олинди. Хўжаликда 60 гектар майдонга ғалла экилган эди. 82 тонна ҳосил олиниб, план 75 процентга адо этилди.

Юқорида айтиб ўтилганлардан кўриниб турибдики, Шофиркон районидаги Ильич номли совхоз (директори Р. Хўжаев, партия ташкилотининг секретари Р. Қўшшаев) фақат чорвачиликда эмас, деярли ҳамма тармоқлар бўйича ҳам оқсаб қолган. Совхоз ҳаёти билан танишиб чиққач, колоқликнинг асосий сабаби хўжаликда социалистик мусобақанинг яхши йўлга қўйилмаганлигида эканлиги равшан бўлди. Масалан, фермадаги ўн олти сут соғувчи 1982 йил бошида бирбирларини мусобақага чақириб, ўн биринчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида ўз боқимларидаги ҳар бош сигирдан битталан бузоқ олишга ҳамда 4200—4500 килограммдан сут соғиб топширишга қарор қилишган эди. Афсуски, бу мусобақа ҳали ҳам якунланганича йўқ.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми белгилаб берган вазифаларни ҳаётга изчиллик билан татбиқ эта бориб, улкан зафарларни қўлга киритмоқдалар. Ишончимиз комилки, Ильич номли совхоз коммунистлари, барча ишчи ва хизматчилари ҳам ўз хўжаликларини колоқликдан чиқариб, пешқадамлар сафига қўшиш учун бутун куч, ғайрат ва билимларини сафарбар этадилар. Бу борада уларга область, район партия ва совет ташкилотлари яқиндан амалий ёрдам кўрсатишлари зарур.

У. ЮСУПОВ,
Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. «Госкомсельхозтехника» Оққўрғон район бирлашмаси устахоналарида иш қизғин. Бу ерда баҳорги экин-тикин мавсумида ишлатиладиган техника воситалари тезкорлик билан ремонт қилинаётир. Механизаторлар 140 та ҳайдов тракторини муддатидан илгари ремонтдан чиқариш учун тиғиз график асосида меҳнат қилишяпти. Суратда: слесарь Аҳмад Валиев иш устида.

В. Сироткин фотоси.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ—УМУМХАЛҚ ИШИ

ИБРАТ

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган пахтакор Юсуф Исоқов Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш, қўриқ ва бўз ерларда пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил кўтаришда катта фаолият кўрсатиб келмоқда. Юсуфжон акани нинг турмуш ўртоғи Майрамхон ая Қаҳрамон она. Уларнинг 10 нафар фарзандлари бор. Ўғил-қизлари ва келин-куёвларининг ҳаммаси оилавий бригадага уюшиб, қўриқ Езёвон районидаги «Янгиобод» совхозининг ерларида деҳқончилик қилмоқда.

Юбилей йилида фидокорона меҳнат қилган оилавий бригада аъзолари ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Янгидан ўзлаштирилган 80 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 13 центнер ўрнига 18 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишди.

Чўлқуварлар бу йил янада улкан марраларни кўзлаб меҳнат қилишяпти. Улар яна 5 гектар ер очиб, 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 18 ўрнига 30 центнердан чўл дурдонаси етиштиришга азму қарор қилишган. Биринчи шўр ювиш ва ариқ-зовурларни тозалашни ниҳоясига етказган аҳил оила аъзолари ҳозир иккинчи шўр ювиш, яхоб бериш, маҳаллий ўғит жамғариш каби ишларни қизғин олиб боришаётир. Бу агротехник тадбирларни амалга оширишда Майрамхон, Дилфузахон, Ҳожимат, Ҳамиджон, Ёқубжон, Эркинбой Исоқовлар ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Бригадада пахтачилик билан бир қаторда богдорчилик ва ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ҳам ривожлантирилмоқда. Ўтган йили 6 бош қорамол, 6 бош қўй, 100 та товуқ, 100 та ўрдак ва балиқ парвариш қилинди. Натижа ёмон бўлмади. 500 килограмм мол гўшти, 200 килограмм қўй гўшти, 100 килограмм парҳез гўшт, 2000 та тухум етиштирилди.

Республикамиздаги илғор бригада бошлиқларининг ҳар бир бригадада ёрдамчи хўжалик ташкил этиш ташаббусига биринчилар қаторида қўшилган Исоқовлар сулоласи бу соҳада ҳам ўз зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилдилар. Улар бу йил қорамоллар сонини 10 бошга, қўйлар сонини 15 бошга етказиш, 400 та парранда боқиб, 6 тонна гўшт, 6 минг дона тухум етиштириш, ҳар бир сигирдан 2000 килограммдан сут соғиб олиш, давлатга 4 тонна гўшт сотиш мажбуриятини қабул қилишди.

А. МАДРАҲИМОВ
Фарғона области.

МУНОСИБ ҲИССА

Иштихон районидаги «Муродобод» колхозида кўп йиллардан бери моллар асосан бўрдоқига боқилиб, сўнг гўштга топширилаётир. Бу ўз самарасини беряпти. Ўтган йили ҳам 220 бош қорамол қатъий озуқа рационни асосида боқилди. Тажрибали молбоқарлардан Ортиқ Маманов, Тоғай Рустамов, Ҳусан Эшмаматовлар ўз боқимларидаги ҳар бир қорамолни ардоқлаб парвариш қилдилар. Натижа ёмон бўлмади. Ҳар бир қорамолнинг кунлик семириши 950—1000 граммни ташкил этди ва ўртача тирик вазни 450 килограммга етказилиб, гўштга топширилди. 1983 йилнинг дастлабки ойидаёқ давлатга 90 тонна бўрдоқи гўшти етказиб берилди.

Ҳозир хўжаликда яна 250 бош қорамол бўрдоқига боқилаётир. Будар ҳам узоғи билан уч-тўрт ойдан сўнг гўштга топширилади. Шунда яна давлатга 90 тонна гўшт етказиб берилиб, бу борадаги йиллик план олти ойдаёқ бажарилади. Бу колхоз чорвадорларининг СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига қўшган ҳиссаси бўлади.

Ў. САИДОВ.
Самарқанд области.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

● АВТОМАТЛАШГАН СИСТЕМА

СОФИЯ. Враца шаҳридаги химия комбинатида Болгария химия саноатида биринчи технологик жараённи бошқарадиган автоматлашган система ишга тушди. Бу система машиналарнинг иш унумини бир неча баравар ошириш ҳамда энергия ва табиий газ сарфини анча камайтирди. Автоматикани жорий этиш — соҳада меҳнат унумдорлигини икки-уч баравар оширишга, 170 мингга яқин ишчини қўл меҳнатидан бўшатишга имкон беради.

● КООПЕРАЦИЯЛАШНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ГАВАНА. 1982 йил Кубадаги кооперация ҳаракати ўзининг бутун тарихида энг юқори натижаларга эришди. Майда ер эгаларининг ихтиёрий қарорларига кўра, 130 минг гектардан кўп ер умумийлаштирилди ва натижада кооперативлар эгаллаб турган майдон анча кўпайди. Ҳозир Кубада барча деҳқон ерларининг 40 процентга яқини қишлоқ хўжалик кооперативларининкидир.

Кооперативлар давлатдан ҳар томонлама мадад олиб турибди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тобора юксак формаларига ўтиш мустаҳкам моддий-техника базасига суянади. Ёш коллектив хўжаликлар қишлоқ хўжалик техникаси ва ўғит олишда имтиёзлар фойдаланади. Буларнинг ҳаммаси ҳосилни кўпайтириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришда самарали таъсир кўрсатмоқда.

(ТАСС).

БИЗНИНГ ШАРҲ

ТАНГЛИК ИСКАНЖАСИДА

Жаҳон Касаба союзлари федерациясининг даъватига мувофиқ 12 февралда Чили меҳнаткашлари ва халқи билан халқаро бирдамлик куни ўтказилади. Чили меҳнаткашлари бирлашган касаба союз марказ ташкил этилган кунинг 30 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган бу тадбир жафокаш Чили ватанпарварлари одилона курашларида ғалаба эмаслигини кўрсатувчи ёркин далилдир.

Бугунги кунда Чилида манфур диктаторлик режими тўфайли ҳукм сурётган аҳвол мамлакатни таназзул сари судрамоқда. Қонхўр ҳарбий хунта Чилини жар ёқасига келтириб қўйди. Яширин ва оғир шароитда иш кўраётган Чили Компартияси баёнотида таъкидланганидек, мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва социал кризис мисли кўрилмаган даражада кучайди. Чили чинакам танглик исканжасида қолди.

Расмий маълумотларга қараганда, биргина 1982 йилнинг ўзида Чилида 810 та корхона инқирозга учради. Йирик-йирик завод ва фабрикалар, банклар, молия муассасалари барбод бўлди. Саноат ишлаб чиқариши қариб 18 процент, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш эса 51,6 процент қисқарди. Натижада кўплаб кишилар ишдан маҳрум бўлдилар ва ишсизлик армияси сафига қўшилдилар. Улар эса оз эмас. — 1,2 миллион киши. Бу — Чилидаги ишга яроқли аҳолининг 30 проценти демакдир. Яна бир рақам. Ҳозирги пайтда Чилининг ташқи қарзи 18 миллиард долларни ташкил этади. Агар мамлакат аҳолиси жон бошига ҳисобланадиган бўлса, Чили четдан қарздор бўлиб қолган мамлакатлар ичида «етакчи» ўринларидан бирини эгаллайди.

Талвасага тушиб қолган қонхўр генерал Пиночет тўдаси Америка Қўшма Штатларининг мададига таяниб, Чили халқини ҳамиша чтоатда тутишга уринмоқда. Бунинг учун мамлакатда террор, репрессия, зўравонликни авж олдирмоқда. Кунига юзлаб кишилар ҳибсга олиниб, қамоққа ташланмоқда. Биргина 1982 йилда 1800 га яқин киши қамоққа олинди. Ҳарбий хунта таъқибига учраганлар орасида касаба союз, жамоат ва маданият арбоблари, коммунистлар, студентлар ва ишчилар кўпчиликни ташкил этади. Қамоқхоналарда азоб чекаётган ватанпарварлар орасида аҳолининг ҳамма табақаси вакилларини учратиш мумкин. Фашистик хунтанинг халққа қарши сиёсатидан норози бўлгани учун улар турмаларга ташланиб, чексиз азоб-уқубатга дучор қилинмоқдалар.

Бироқ Чилидаги воқеаларнинг борыши шуни кўрсатмоқдаки, қонхўр ҳарбийлар тўдаси аҳолини қўрқитиш мақсадида ҳар қанча ёвузлик қилмасин, халқнинг иродасини бука олмайди. Зеро, бутун мамлакат бўйлаб норозилик тўлқини қучаймоқда. Кенг халқ оммаси ёвузликка қарши бош кўтариб, топталган ҳуқуқларини тиклаш учун курашни авж олдириб юборди. Меҳнаткашлар тинимсиз давом этиб келаётган фавқулодда ҳолат бекор қилинишини, репрессиялар тўхатилиб, демократик эркинликлар тикланишини талаб қилмоқдалар.

Сўнгги пайтларда норозилик намойишлари, иш ташлашлар, айниқса, кучайди. Жумладан, ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошларида мамлакат жанубидаги «Колбун-Мачикура» гидроэнергетика комплекси қурилиши ишчилари забастовка эълон қилдилар. Мис конларида, завод ва фабрикаларда уларни қувватлаб иш ташлашлар бошланди. Университетларнинг студентлари бултур бошлаган ғалаёнлари ҳамон давом этмоқда.

Ҳа, фашистик диктатура режимига қаршилик кўрсатиш борган сари кенг қулоч ёймоқда. Бу ҳаракатда аҳолининг борган сари кўпроқ қисми қатнашаётир. Яширин иш кўраётган Чили Компартияси ҳам бу курашда фаол иштирок этмоқда. У мамлакатдаги барча эрксевар кучларни ягона сафга бирлашиб ҳаракат қилишга даъват этмоқда. Ўтказилаётган халқаро бирдамлик куни Чили ватанпарварлари сафини янада мустаҳкамлаб, унинг адолатли курашига мадад бериш билан бир қаторда, жаҳон халқлари бу курашнинг ғолибона якунидан умидвор эканини ҳам кўрсатиб турибди.

Ф. ШОҲИСМОИЛОВ.

Э. ХОНЕККЕРНИНГ Г. КОЛГА МАКТУБИ

БЕРЛИН, 9 февраль (ТАСС). ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер ГФР федерал канцлери Г. Колга мактуб йўллади. Мактубда жанг майдонида ишлатиладиган ядро қуролидан ҳоли зонани вужудга келтириш борасида Швеция кўрсатган ташаббусни ГФР ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши катта аҳамиятга эга бўлиши уқтириб ўтилади.

ГДР раҳбари таъкидлайдики, ГБСП Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети шундай зонани вужудга келтириш хусусида Швециянинг таклифини муфассал ўрганиб чиқдилар. Бу зона ҳар иккала иттифоқ — Варшава Шартномаси билан НАТОнинг энг шимолий қанотларидан энг жанубий қанотларигача Марказий Европани қамраб олган бўлур эди. Улар шунга амин бўлдиларки, бу тадбир Европада тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттириш манфаатлари йўлидаги фойдали қадам бўлиб қолиши мумкин.

Мана шунга асосланиб, Швециянинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. ГДР тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига риоя этилган тақдирда шундай зона учун ўзининг бутун территориясини бериб қўйишга тайёр эканлиги тўғрисида Швеция ҳукумати расмий равишда хабардор қилинди.

Швеция ташаббусининг аҳамиятига ва ҳар иккала герман давлатининг тинчлик учун масъул эканлигига, шунингдек ядро ҳалокати олдини олишга актив кўмаклашишдан иборат шу билан боғлиқ мажбуриятга амал қилиб, дейилади мактубда Германия Федератив Республикасининг ҳукумати ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватларганда, зўр аҳамиятга эга бўлур эди.

Б. КРАЙСКИЙНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 9 февраль. (ТАСС). Австрия Республикасининг федерал канцлери Бруно Крайский «Ю. С. Ньюс энд уорлд рипорт» ҳафтономасининг мухбири билан суҳбатда шундай деди: Совет Иттифоқи Европада ўртача олисликка учириладиган ядро ракеталари хусусида «жиддий музокаралар олиб боришдан манфаатдордир».

Агар Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги ҳозирги Совет — Америка музокаралари муваффақиятли тугамайдиган бўлса, ғоят хатарли вазият вужудга келади. Ғарбий Европада Америкининг ўртача олисликка учириладиган ядро ракеталари жойлаштирилиши Европада жиддий сиёсий чигалликларга олиб келади, деди Австрия ҳукуматининг бошлиғи.

Б. Крайский Вашингтоннинг Австрияни СССР билан ўзаро манфаатли савдо-сотиқ ҳамкорлигидан воз кечишга мажбур этиш мақсадида унга тазйиқ ўтказишга уринаётганлигини кескин қоралади. Молларимизни нима қилиш кераклигини фақатгина ўзимиз ҳал эта оламиз, деди у.

Ироқ—Эрон фронтида

БАҒДОД, 9 февраль. (ТАСС). Ироқнинг Майсан вилоятида Ироқ — Эрон фронтининг жанубий участкасида шиддатли жанглар давом этмоқда.

Ироқнинг бош ҳарбий қўмондонлиги ўзининг навбатдаги ахборотида Ироқ қўшинлари душманнинг барча ҳужумларини даф этиб, уларнинг кўп қисмини қириб ташлаганлигини хабар қилди. Эроннинг салкам 7 минг солдати ўлдирилган, қўллаб аскари ярадор қилиниб, асрга олинган. Эроннинг кўп миқдордаги танклари, бронетранспортёрлари, юк машиналари шикастлантирилган ва турли хил ҳарбий аслаҳа анжомлари ишдан чиқарилган.

Кейинги икки кун мобайнида, дейилади ахборотда, Ироқ самолётлари билан вертолётлари Майсан вилоятида Эрон қўшинлари тўпланиб турган жойларга, шунингдек Эрон территориясининг ичкарисидаги ҳарбий нишонларга ёпирилиб зарбалар берган. Барча самолётлар ва вертолётлар талофотсиз ўз базаларига қайтиб келган.

Эрон артиллерияси, деб таъкидланади ахборотда, Ироқнинг Басра ва Мандали шаҳарларини тўпга тутган. Тўпга тутиш натижасида бир қанча граждан объектлари ва бинолар вайрон бўлган, ўлган ва жароҳатланган кишилар бор.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ВЕНА. Австрияда «қизил ёмғир» ёғди. Мамлакатнинг деярли ҳамма шаҳарлари ва аҳоли пунктларида ишчилар об-ҳавода камдан кам учрайдиган шу ғалати манзарани кузатиб турдилар. Уйларнинг томидан қизил сув оқиб тушди. Кўчаларда қизил рангдаги кўлмаклар ҳосил бўлди.

● ТОКИО. Шу йилнинг биринчи ойи мобайнида мамлакат йўлларидаги ҳалок бўлган кишилар тўғрисида полиция бошқармасининг берган хабарини Япония матбуоти «аянчли рекорд» деб таърифлади. 719 киши ҳалок бўлди. Бу эса ўтган йил январь ойидагига нисбатан 11,1 процент кўп бўлиб, кейинги етти йил мобайнидаги энг юқори кўрсаткичдир. (ТАСС).

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

ЧОРА ИЗЛАБ

АҚШда ишсиз бўлиб қолишдан кўра даҳшатли фалокат йўқ. Ана шундай мудҳиш аҳволга тушиб қолган кишилар яшаш учун бирор чора излаш мақсадида ҳар қандай усуллардан ҳам фойдаланишга мажбур бўладилар. «Вашингтон пост» газетасининг хабар қилишича, ана шундай аҳволга тушиб қолган кишилар ўз қонларини сотиш билан ҳам кун кўришга мажбур бўлмоқдалар ва донорлик пунктларига қон топширишга доим ҳаракат қиладилар. Мазкур пунктларда эса топширилган бир порция қон учун 8—10 доллар олиш мумкин. Масалан, Миччиган штатида донорлик қилишни хоҳловчилар айниқса кўп. Мазкур штат университетидаги донорлик пункти кўпинча гавжум бўлади. Донорлик қилишга мажбур бўлганларнинг кўпчилиги фақат ишсиз кишилардир. Шулардан бири Лаксингга шаҳри фуқароси Клиффорд Уильямсдир. У газета мухбири билан бўлган суҳбатда ҳар ҳафта қон топшириш билан кун кечираётганини хабар қилди. Баъзан ҳафтада икки марта қон топширишга тўғри келади, — дейди у. Чунки оилада уч фарзандим бор. Мен шундай қилиб уларга сут учун пул топаман. Донорлик пунктларидан хабар беришларича, қон топширувчиларнинг 40 проценти ишсиз кишилардир.

ҲУКУМАТНИНГ ХАЛҚҚА ҚАРШИ СИЁСАТИ

Данияннинг буржуа ҳукумати ўтказаётган «қаттиқ тежаш» сиёсати мамлакатда олий таълим системасига чуқур таъсир кўрсатмоқда. Кабинетнинг яқинда Рост-Килле шаҳридаги университетда ўқитилаётган фанларнинг ярмини қисқартириш тўғрисидаги қарори мамлакатдаги ана шу энг катта олий ўқув юртларидан бирининг талабалари ва ўқитувчиларини ғоят ғазаблантирди. Университет эҳтиёжларига ажратиладиган маблағларнинг қисқартирилиши натижасида 200 га яқин педагог ишдан бўшатилиши ҳамда мингдан кўпроқ студент университетдан кетиши керак бўлади, деди университет ректори Б. Йоргенсен хоним.

МИНИСТР ЖЎНАБ КЕТДИ

АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Афганистон Демократик Республикасининг миллий мудофаа министри А. Қодир 9 февраль куни Москвадан жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновнинг таклифига биноан расмий визит билан мамлакатимизга келган эди.

Аэродромда уни СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида АДРнинг СССРдаги элчиси Х. Мангал ҳам бор эди.

(ТАСС).

МИЛЛИЙ БАЙРАМГА БАҒИШЛАНАДИ

Совет Иттифоқи билан Шри Ланка ўртасидаги муносабатлар тинч-тотув яшаш ва дўстона ҳамкорлик принципларига асосланган. Бу принциплар иккала мамлакат халқлари манфаатларига, ялпи тинчликни мустаҳкамлашга мос бўлиб тушади. 9 февраль куни Москвада бўлиб ўтган жамоатчилик йиғилишида ана шу ҳақда гапирилди.

Шу кунларда мамлакатимизда Совет — Шри Ланка дўстлиги ўн кунлиги муваффақият билан ўтаётганлиги таъкидланди.

Шри Ланканинг СССРдаги элчиси Н. Канакаратне ўз нутқида Совет Иттифоқининг унинг ватани миллий экономикасини ривожлантиришда кўрсатаётган ёрдами муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтирди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

ШАҲАР ЎТМИШИНИ ЎРГАНИБ

Пахтакор ўлка пойтахтининг муфузи ошиб бормоқда. Тошкент деганда киши кўз ўнгида тинчлик, дўстлик, жасорат шаҳри, халқаро анжуманлар, маданият ва санъат воқеаларига бой замонавий кўркам қадамжо намоён бўлади. Шу кунларда шаҳри-азимнинг улкан тўйи — шонли юбилейини муносиб нишонлашга катта тараддуд кўриляпти. Кўчалар, хиёбонлар, майдонлар, массивлару кварталларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан бирга ташкилий-тадбирий ишларга алоҳида эътибор қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг навбатдаги йиғилишида шаҳар тарихи билан боғлиқ манбаларни ўрганиш ва уни тарғиб қилиш масалалари муҳокама этилди. Йиғилиш республика Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов раислигида ўтди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Нурмуҳамедов, мазкур академиянинг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти директори М. Хайруллаев, Тарих институти директори М. Охунова, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзолари М. Қўшчонов, П. Булгаков, тарих фанлари докторлари Б. Лунин, Н. Содиқова, Ҳ. Зияев, Ғ. Рашидов ҳамда фалсафа фанлари доктори Қ. Хоназаровлар юбилейга ҳозирлик ишлари борасида ахборот бердилар.

— Тошкентнинг йигирма асрлик тарихини илмий хулосалар асосида кенг тарғиб қилиш асосий вазифаларимиздан бири, — дейди профессор Эркин Юсупов. — Шаҳар ўтмишига оид қўлёзмалар, археологик топилмалар уюштириладиган суҳбатлар, ёзилаётган мақолалар ва докладлар, чоп этиладиган рисола-китоблар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. ЮНЕСКО доирасига кирувчи олти журналда олимларимизнинг чиқишларини уюштириш мўлжалланган. Жумладан, «Курьер ЮНЕСКО», «Культура», «Музей», «Новости ЮНЕСКО» каби журналларда ўнга яқин мақола эълон қилиб, Тошкент руҳи билан халқаро жамоатчиликни яқиндан таништиришга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари республика Фанлар академиясининг Ўзбекистон ССР тарихи музейида шаҳарнинг ўтмишига бағишланган алоҳида зал очишга тараддуд кўриляпти.

Н. ҲАЙДАРОВ.

Тошкентдаги пойабзалчилар маданият саройи барпо бўлганлигига 40 йил тўлди. Маданият саройида турли хил тўгараклар мунтазам равишда ишлаб турибди. Айниқса, дуторчилар, рақсчилар, вокаль чолғу ансамбли ва болалар хорининг чиқишлари барчага манзур бўлмоқда. Маданият саройи тўгараклари қатнашчилари республика миқёсида, шунингдек, Тошкент шаҳрида ўтказилган қатор конкурсларда иштирок этишган ва диплом, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишган. Суратда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Хельсинки жаҳон фестивали лауреати Рафиқ Султонов рақс тўгараги иштирокчилари билан янги рақс устида ишламоқда.

Т. Каримов (ЎзТАГ) фотоси.

АХБОРОТ

ХОРАЗМ

ДЎСТЛИК МАДҲИ

Шовот — Хоразм харитасидаги ёш ва истиқболи порлоқ шаҳарлардан. Шаҳарнинг хушманзара жойида бунёд қилинган «Халқлар дўстлиги» майдони кўркамлиги билан алоҳида ажралиб турибди. Дўстлик ва қардошликни мадҳ этувчи плакатлар, панноллар киши эътиборини тортади. Иттифоқдош республикаларнинг алюминий-никелдан сайқал топган давлат герблари қуёш нурида товланади. «Халқлар дўстлиги» майдонини юксак дид билан безатишда декорация санъати устаси Константин Качаловнинг хизматлари катта.

ҚИШЛОҚ БОЗОРИ

Боғот районидаги Киров номли колхоз территориясида колхоз бозори барпо қилиниб, унга «Деҳқонбозор» номи берилди. Кўшни Ленин номли, Димитров номли ва «Коммуна» колхозлари аъзолари, «Боғот» совхози ишчилари эҳтиёжларини қондиришда қулайлик вужудга келди. Павильонлар, расталардан исталган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш мумкин.

АЛЛОМА ЮБИЛЕЙИГА

Хоразмлик буюк аллома Ал-Хоразмий туғилган кунининг 1200 йиллигига унинг юртида қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Урганч шаҳри марказидаги кенг майдонда буюк олимнинг улкан ҳайкали қад кўтарди. Шундай ёдгорлик Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхозда ҳам ўрнатилади. Хоразм давлат педагогика институтида, катор ўқув юртлари ва мактабларда Ал-Хоразмийнинг математикага оид асарларига бағишланган тематик кечалар ўтказилаётир. Хива шаҳридаги 12 та юбилей объектидан 6 таси шай қилиб қўйилди. 85 ўринли янги меҳмонхона юбилей кунларида меҳмонларни кутиб олишга тайёр. Хива бадиий совға буюмлар фабрикаси Ал-Хоразмийнинг сиймоси акс эттирилган кумғон, гулдон ва бошқа эсдалик совғалари ишлаб чиқармоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ЁШЛИК» САҲИФАЛАРИДА

ҚАТЛАМНИ ЧУҚУР ОЛИБ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи — «Ёшлик» журналининг ўн иккита сони босмадан чиқди. Дид ва ихлос билан безатилган ўн иккита ранго-ранг китобча журналхонларга бориб тегди. «Ёшлик» ҳозир республикамиздаги энг оммавий, севиб ўқиладиган журналлардан бирига айланиб бормоқда. Орадан ўтган бир йил республикада ёшлар журналини ташкил этиш тўғрисида ўз вақтида, жуда ўринли қарор қабул қилинганлиги, редакция коллективи ўзига биллирилган ишончни оқлаш учун изланувчанлик билан меҳнат қилаётганлигини кўрсатди.

Журналнинг оммабоп бўлиб боришида унда эълон қилинаётган бадиий асарлар, адабий-танқидий мақолалар ва бошқа мавзулардаги чиқишларнинг роли катта бўлмоқда. Уларнинг айримлари ҳақида вақтли матбуот органларида илиқ фикрлар билдирилди. Хусусан, «Ёшлик»да чиқаётган публицистик ва проблематик мақолалар журналхонларда катта қизиқиш уйготмоқда.

Маълумки, ҳар бир янги нашрнинг ўзига хос қиёфаси бўлади. «Ёшлик» журнали ҳам биринчи сонидан бошлабоқ ёшлар олдида турган, ҳал этилиш вақти-соати етилган кўпдан кўп проблемалар ҳақида сўз юрита бошлади. Булар ёшларнинг коммунистик қурилишда фаол иштирок этиши, уларнинг актив ҳаётий позицияси, ўқиши, одоби, ахлоқи, коммунистик қурилишдаги иштирокидан иборат. Редакция почтасига келаётган юзлаб хатлар журнал ўз ўқувчиларининг дилидаги гапларни топиб айтаётганлиги, улар билан яқин сирдош, ҳамфикр, ҳамсуҳбат бўлиб қолаётганлигидан дарак беради.

Тинмай изланиш, ўрганиш — матбуот ходимига хос фазилат. Ёшлар журналининг коллектив аъзолари ҳам бу нарсани тўғри тушунганлар. Кўтарилаётган муаммоларнинг хилма-хиллиги учун курашилмоқда, ҳали ҳеч ким айтмаган, аммо ёшларнинг дилида ётган гапларни айтишга интилинаётир.

Журналнинг дастлабки сонларидан бирида ёзувчи Эмин Усмоновнинг «Съезд, беш йиллик, одамлар» рубрикаси остида «Халоватдан кечмасанг...» сарлавҳали ҳужжатли қиссаси эълон қилинди. Бу асарда Қарши чўлини ўзлаштирувчилар ҳақида мароқ билан, қизиқарли тарзда ҳикоя қилинади. Қиссада кўтарилган проблема битта: у ҳам бўлса чўлни ўзлаштириш. Аммо бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Чўлни ўзлаштиришнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Бу ерда юрагида ўти бор фидойи ёшларгина муқим ишлай олиши мумкин. Қиссада ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ёзувчи Саъдулла Сиёевнинг «Тоғлардаги гулхан шуъласи» ва унинг ўзига хос давоми бўлган Жамол Шароповнинг «Чўпон ташвишлари» проблематик мақолалари ҳам журналхонлар томонидан қизғин кутиб олинди. Бу проблема журнал саҳифаларида изчил давом эттирилди. Бу мақолаларнинг асосида Озиқ-овқат программасининг муҳим бўғини бўлган чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, чорвадорлар учун қулай меҳнат шароити яратиш, уларнинг меҳнати самараси учун курашиш, чўпонлар сулоласини яратиш масалалари ётади. Баҳснинг якуни сифатида берилган республика қишлоқ хўжалиги министри А. Уркинбоевнинг жавобида мазкур масалалар тўғри кўтарилганлиги қайд этилган, бу соҳада қилинаётган ишлар, кўрилаётган конкрет чора-тадбирлар ҳақида батафсил тўхтаб ўтилган.

Журналда кўтарилган ҳар бир баҳс ва проблема ҳақида юзлаб хатлар олинмоқда. Уларнинг авторлари орасида олимлар, ишчи ва колхозчилар, ўқувчи ва студентлар, Совет Армияси жангчиларини ҳам учратиш мумкин. «Ёшлик»да ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, одоб ва ахлоқ, ёшлар тарбияси проблемалари ҳам етакчи ўринда турибди.

«Ёшлик» энди бир ёшга тўлди. Ўтган йил журналнинг ишлаётган коллективи ўз олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилаётганлигини кўрсатди. Шу сабабли ҳам журнал тобора янги ўқувчиларини топмоқда. Унинг тиражи бир йилда икки баравардан зиёд ортди. Аммо бу журнал коллективи бенуқсон ишлаётибди деган гап эмас. Унинг саҳифаларида жўшқин ҳаётимизнинг аксини топиб улгурмаган ишлар, қиёмига етказиб ёритилмаётган масалалар ҳам кўзга ташланиб колмоқда.

Шу ўринда биз «Ёшлик» ижодий коллективининг ўз журналхонларига қарата эълон қилган мактубига мурожаат қилмоқчимиз. «Сиз ёшлар — дейилган эди унда, — партия, ленинчи комсомол топшириғи билан Жиззах ва Қарши даштларини ўзлаштирмоқдасиз, янги пахтакор хўжаликлар тузмоқдасиз. Сиз Орол бўйларида, Қорақалпоқ даштларида янги шоликорлик совхозларини вужудга келтирмоқдасиз. Сиз қудратли насос станциялари қуриб, Аму ва Сир суларини янги ерларга чиқармоқдасиз. Ўрта Осиё энергетика қўёши — Сирдарё ГРЭСи каби нурхоналарни, Андижон ип-газлама комбинати сингари қудратли корхоналарни, Муборак, Бўстон, Марғонбулоқ мисоли шаҳарларни бунёд этмоқдасиз... «Ёшлик» ана шу коммунизм ишига фидокорлигингизни тараннум этишга ўзини сафарбар деб билади».

Ҳозирча «Ёшлик» ўзининг ана шу вазифасини тўла-тўкис бажараётгани йўқ. Ёшларнинг ахлоқий, турмуш масалаларини, йигит-қизларни халқимизнинг ибратли анъаналари руҳида камолга етказиш мавзуларини ёритиш соҳасида муайян иш қилинмоқда, лекин меҳнат тарбияси, ёш авлодни касбларга йўналтириш проблемалари етарли, чуқур ёритилмаётир. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошириш, учун мардона меҳнат қилаётган, бунёдкорлик ишларининг энг масъулиятли участкаларида матонат кўрсатаётган ёшларимиз, уларнинг ҳаёти, ўй-кечинмалари, орзу-истаклари ҳақида «олдинги марра»дан ёзилган мақолалар ҳали оз. Бевосита коммунистик қурилишнинг актуал мавзулари ҳақидаги чиқишлар гоҳи-гоҳидагина кўринмоқда. Замонамиз қаҳрамонлари етарлича мадҳ этилмаётир. Журнал ўзи оталиққа олган қурилиш ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлаш, республикамизнинг пахта далалари, чорвачилик фермалари, зарбдор қурилиш объектларидан кўпроқ, жонли тарзда ёзилган материаллар бериб бормоғи лозим.

Ўйлаймизки, ўзининг иккинчи ёшига қадам қўйган журнал коллективи бу вазифаларни муваффақиятли равишда ҳал эта олади.

СПОРТ

ШАШКА:

ОРАЛИҚ МАРРАДА

Тошкентда халқаро шашка бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионати оралиқ маррага етди. Мусобақада 15 ёшли Светлана Логачевага бас келадиган шашкачи топилмаяпти. Светлана қарийб беш йилдан бери мағлубиятсиз ўйнаб келаётган О. Аҳмедовадан ҳам устун келди. Чемпионатда ҳозирча С. Логачева билан М. Бурлаковалар олти имкониятдан 5,5 тадан очко тўплаб олдинда бориш мокда. О. Аҳмедова ҳисобида 4,5 та очко бор.

ДОСААФ:

ҚАҲРАМОН НОМИДАГИ СОВРИН

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Михаил Шибаев номидаги соврин учун мотопойга Қашқадарё областида ўтказилди. Область ДОСААФ комитети таъсис этган мазкур соврин учун курашни анъанавий равишда ўтказиб туришга қарор қилинди. Мусобақада республика областлари ҳамда Ўш шаҳридан келган меҳмонлар иштирок этдилар. Пойгачилар 2100 метрли тоғ йўллари бўйлаб мусобақада матонат ва маҳорат кўрсатдилар. Двигатели 125 куб сантиметрли мотоцикларда тошкентлик Э. Малинина билан Е. Бочкарев ҳамда Ўшлик А. Гефтлар муваффақият қозондилар. Қолган турдаги мотоцикларда тошкентлик М. Иброҳимов, В. Стефанович ҳамда жиззахлик Ж. Шариповлар ғолиблик супасига кўтарилдилар. Команда ҳисобида муваффақият қозонган жиззахлик пойгачиларга бош совринни Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. Шибаев тантанали суратда топширди.

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

● **ФУТБОЛ.** Фарғонада мавсумолди халқаро турнири давом этмоқда. Наманганнинг «Навбаҳор» командаси Венгриянинг «Элере» футболчилари билан учрашиб, 5:2 ҳисобида ғалаба қозонди. «Пахтакор» ва Жиззахнинг «Звезда» командалари учрашуви 1:0 ҳисобида тугади. Тўпни учрашувнинг иккинчи минутида Д. Огай дарвозага киритди. Ҳозир унинг ҳисобидаги тўплар 2 тага етди. А. Якубик 3 та тўп киритган.

● **ШАХМАТ.** Риштонда «Пахтакор» қишлоқ қўнгилли спорт жамияти район Совети биринчилиги бўлиб ўтди. 20 нафар шахматчи иштирок этган мусобақада Ш. Қодиров муваффақият қозонди. А. Солиев билан О. Маматқуловлар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолиблар область биринчилигига йўлланма олдилар.

● **ХОККЕЙ.** Тошкентнинг «Бинокор» командаси Олмаотада «Енбек» коллективи билан учрашиб [4:2, 1:6], мавқеини бир оз мустаҳкамлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«РАДИОТЕХНИКА» МАРКАЗИЙ КОММЕРЦИЯ-РЕКЛАМА ТАШКИЛОТИ (ЦКРО)

ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

Йўлга отланар экансиз, «КВАРЦ»ни ёдингиздан чиқарманг!

Унча катта бўлмаган «КВАРЦ-404» транзисторли радиоприёмниги кўп жой олмайди, юкингизни оғир қилмайди, ҳар қандай саёҳатга яхши бардош беради.

Радиоприёмник узун ва ўрта тўлқинлар диапазонларида эшиттиришлар қабул қилади.

Баҳоси — 32 сўм 98 тийин.

«ХАЗАР-403»нинг аъло сифати ва пухталиги — унинг асосий афзалликларидир!

Унча катта бўлмаган бу приёмник тоза товуш чиқаради, оширилган товуш чиқариш қувватига эга. Кўчириб юриш мумкин бўлган транзисторли радиоприёмник узун ва ўрта тўлқинлар диапазонларида радиостанциялар эшиттиришини ишончли тарзда қабул қилади.

Баҳоси — 29 сўм 34 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ ДАВЛАТ ҚОМИТЕТИ

Владимир областидаги «Узвладимирводстрой» трести да ва Новгород областидаги «Узпарфиноводстрой» қурилиш бошқармасида ишлаш учун

гишт терувчилар, бетончилар, арматурачилар, суворқчилар, бўёқчилар, стропалчилар, такелажчилар, электр пайвандчилар, мелиорация ишлари механизаторлари, тракторчилар, электриклар, слесарь-сантехниклар, техника ремонти бўйича слесарлар, камида 3-разрядли кран машинистлари, барча категориядаги 1-разрядли автомашина ҳайдовчилари, шунингдек, инженер-қурувчилар, инженер-гидротехниклар, инженер-механикларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасидаги ташкилотларга Ўзбекистондан келаётганларнинг сўнгги иш жойидаги ўртача иш ҳақининг 50 проценти сақлаб қолинади.

Ишга келаётганлар ётоқхона, вагонлар ва 1—2 йил давомида квартира билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг кадрлар бошқармаси.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: КПСС тарихи, факультетлараро рус тили, рус тилшунослиги, бошланғич таълим педагогикаси, рус ва чет эл адабиёти, марксча-ленинча фалсафа, алгебра ва математика методикаси, математика ва умумтехника фанлари, меҳнат таълими методикаси ва таълимнинг техник воситалари, жисмоний тарбия (профессорлар, фан докторлари, фан кандидатлари);

катта ўқитувчилар: илмий коммунизм ва сиёсий иқтисод, педагогика ва психология (психолог ихтисоси бўйича);

ўқитувчилар: факультетлараро рус тили, математика ва умумтехника фанлари, жисмоний тарбия.

Конкурс муддати — 10 мартгача.

Аризалар қуйидаги адресга юборилсин: 740000, Урганч шаҳри, Ҳ. Олимжон кўчаси, 14-уй, институт илмий секретари.

Тошкент шаҳар меҳнаткашлари ва пойтахтимиз меҳмонлари

ДИҚҚАТИГА! ТУРИСТИК ПУТЕВКАЛАРНИ СОТИШ БЮРОСИ ЯНГИ ИШ РЕЖИМИГА ЎТДИ

Ташкилотлар ва аҳолига путёвкалар ҳар куни, соат 9.00 дан 21.00 гача Туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон республикаси Совети биносида сотилади: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 115-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/II да Аризасига кўра, 12/II да Нодирабегим, 13/II да Бой ила хизматчи (11.00, 15.00), Кузнинг биринчи куни (19.30).

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти коллективи институтнинг катта илмий ходими И. А. Алимовга отаси

Абдуғаффор АЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ЧАНҚОҚБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР

Мамлакатимизда қимиз энг қадимги ичимлик ҳисобланади. Тарихчилар шимолий Кора денгиз бўйи даштларида яшаган кўчманчилар эрамиздан аввалги бешинчи асрдаёқ қимиз тайёрлаш сирини билганликларини ёзадилар.

Қимиз тотли ва чанқоқни яхши босади. Лекин унинг даволаш хусусияти ҳам бор. Таркибида кўп қанд, оқсил ва витаминлар бўлган қимиз сил, сурункали гастрит, ошқозон яраси, камқонлик каби оғир хасталиклардан қутилишда ёрдам беради.

Яқин-яқинларгачаги қимиз тайёрлаш мавсумий тусда эди. Эндиликда саноат қимизни йил бўйи тайёрлаш учун дастлабки ҳом ашёга эга. Қуруқ бия сутини тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди. У ўзининг қимматли хоссаларини кўп ойлар мобайнида саклай олади. Шу нарса маҳсулот тайёрлаш географиясини кенгайтиришга ҳам имкон берди. Эндиликда қимиз анъанавий қимиз маконлари — Қозоғистон ва Бошқирдистондагина эмас, шу билан бирга Россия марказида, бошқа бир қанча республикаларда ҳам тайёрланмоқда.

Русияда квас азалдан халқ ичимлиги деб ҳисобланиб келади.

Урта аср табиблари ҳатто жарохатланган аскарларга махсус тайёрланган квас буюришган. У чанқоқни тез босар ва қувватсизланган организмга иштаҳа бағишларди.

Эски ошпазлик китоблари кўпдан кўп квас навларининг рецептларини беради. Ҳар хил навларни тайёрлаш усуллари ҳам ҳар хил бўлса-да, улар учун дастлабки маҳсулот ҳамиша бир хил бўлиб келди. Жавдар, буғдой, арпа уни, баъзан эса қорабуғдой ёки сули уни, шакар, майиз ва дориворлар, шу жумладан хмель, яппиз, хрен шундай маҳсулотлардир.

Саноат қўламида ҳар хил типдаги квас концентратларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Улардан тайёрланган ичимликнинг таъми уйда тайёрланган квасдан қолишмайди. Хушхўр ичимликни тайёрлаш учун энди кунлар эмас балки бир неча соат кифоя қилади.

(ТАСС).



Ўлкамизда баҳор нафаси.

М. Нуриддинов фотоэтюди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильм. 10.00 — Поезд Шарққа боради. Бадиий фильм. 11.25 — Концерт. 11.55 — Поэзия. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Концерт. 16.30 — Рус тили. 17.00 — Биз ва уддала. 17.45 — Фильм-концерт. 18.15 — Ҳужжатли фильмлар. 18.45 — Мультфильмлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Кинолавҳа. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — Камалак. 21.30 — Время. 22.05 — Покровск дарвозалари. Бадиий фильм. 1-серия. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Покровск дарвозалари бадиий фильмининг 2-серияси.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — География. 10.05 ва 13.50 — Инглиз тили. 11.05 — Ўқув кўрсатуви. 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 — Ф. Рабле, Гаргантюа ва Пантагрюэль. 13.10 — Ўқув кўрсатуви. 13.40 — Илмий-оммабоп фильм. 14.20 — М. В. Нестеров ижоди. 15.05 — Ҳунартехника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 15.35 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 19-фильм. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Оддий ион. 19.05 — И. С. Бах. 93-кантата. 19.30 — Саёҳатчилар клуби. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Адабий ўқиш. 21.15 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ўрмон қўшиғи.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — География. 12.00 — Инсон ва табиат. 12.30 — Биология. 13.00 — Қўшиғим, жон қўшиғим. 13.40 — Снёвуш қиссаси. Бадиий фильм. 18.10 — Болалар учун фильмлар. 18.40 — Самода юз йўл. 19.00 — Ташаббускорлар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Мақом ижрочилари 1-республика конкурси ғолибларининг якунловчи концерти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Конкурс ғолиблари концертининг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Ўта муҳим топшириқ. Бадиий фильм. 1-серия. 22.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 17.55 — Математика. 18.50 — Муз, қор, спорт. 19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Шавкатли меҳнат учун юксак мукофотлар. 20.40 — Телефильм. 21.00 — Аэрофлот кунига. 21.30 — МТ-II.

12 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Спортлото. 9.50 — Отаоналар, сизлар учун. 10.20 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 10.50 — Ҳужжатли фильм. 11.55 — Лирика. 12.35 — Объектив. 13.05 — Ҳужжатли фильм. 13.15 — 1983 йил архитектураси. 14.20 — Камалак. 14.50 — Дунё воқеалари. 15.00 — Ж. М. Дамаз. Концертино. 15.15 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.10 — Концерт. 17.15 — Мультфильм. 17.35 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.05 — Болалар учун фильм. 19.30 — Чин қалбдан. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.45 — Сув полоси бўйича СССР чемпионати. 00.15 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — Бир автомобиль тарихи. 9.45 — Китнинг тишини қандай қилиб суғуриб олиш мумкин? Бадиий фильм. 11.05 — Тонгги почта. 11.35 — Литва телевидениесининг программаси. 12.35 — Енгил атлетика бўйича СССР кубоги. 13.25 — Қувноқ болалар. 14.35 — Парашют спорти бўйича халқаро мусобақалар. 14.55 — Концерт. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Биз БАМни қуряпмиз. 16.30 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Сараевода Олимпиада олди мусобақалари. 17.40 — Опера. 19.10 — Телефильм. 19.45 — Халқаро обзор. 20.00 — Музикали киоск. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Сокинлик. Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 10.30 — Қорақалпоғистон АССР ва республика областлари театрларининг телефестивали. 12.15 — Шахмат мактаби. 12.45 — До-ре-ми-фасоль. 13.15 — «Экватор» кемасининг пассажири. Бадиий фильм. 17.40 — Тенгдош. 18.20 — Ҳужжатли фильм. 18.40 — Сув полоси бўйича СССР чемпионати. 19.10 — Пахтакорларнинг қишки юмушлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ешлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Шанба тароналари. 21.30 — Время. 22.05 — Ўта муҳим топшириқ. Бадиий фильм. 2-серия.

18.00 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бахт ва севги қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Ўзбекистон композиторларининг романслари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — Ешлик. 21.15 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Елгор. Радиопостановка. Ғафур Ғулом туғилган кунининг 80 йиллигига.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 01788. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 35. 10